

МИРЗАКАРИМОВА МАХЛИЁХОН МАДАМИНЖОНОВНА

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА  
ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ**



Published by Novateur Publication 466,  
SadashivPeth, M.S. India-411030

**India –2022**

**Monograph. <https://novateurpublication.org>**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАКАРИМОВА МАХЛИЁХОН МАДАМИНЖОНОВНА**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИБ  
ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ**

**МОНОГРАФИЯ**

**India – 2022**

ISBN: 978-93-96563-8-9

УДС: 33(575.1):371.3

ВБС 38.761.2

**М.М.Мирзакаримова.** Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик асослари. Monograph – India, 2022-164 р.  
<https://novateurpublication.org>

Мазкур монографияда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг жараёни ва тузилмасини ёритиб берилган, ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш ва диагностика қилишнинг инновацион механизмларини аниқлаштирилган, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминотини ҳамда унинг амалий компоненти такомиллаштирилган.

Бундан ташқари хорижий тилларни таддбиркорликка йўналтириб ўқитишининг асосий тушунча ва тамойиллари, замонавий шароитда унга таъсир этувчи омиллар, тадбиркорлик қўникмаларини шакллантириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг эдукологик имкониятлари, унинг модели ва механизmlари баён этилган.

Монография хорижий тиллар ўқитиладиган барча таълим муассасалари ўқитувчилари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилар ва тадқиқотчилар, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўз илмий ва ижодий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

**Масъул мухаррир:**

**М.Б.Артикова** - педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

**Тақризчилар:**

**А.С.Тешабоев** - педагогика фанлари номзоди, доцент

**М.К.Бакиева** - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ушбу монография Андижон давлат чет тиллари институти “Ижтимоий-гуманитар фанлар, педагогика ва психология” кафедрасининг 2022 йил 6 декабрдаги 5-сон йигилишида маъқулланган.

<b>МУНДАРИЖА</b>	
<b>КИРИШ .....</b>	<b>4</b>
<b>I БОБ. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....</b>	<b>9</b>
1.1.-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш: асосий тушунча ва тамойиллар .....	9
1.2-§. Замонавий шароитда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишга таъсир этувчи омиллар.....	177
1.3-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда хорижий давлатлар тажрибаси.....	31
<b>Биринчи боб бўйича хулоса.....</b>	<b>40</b>
<b>II БОБ. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ .....</b>	<b>421</b>
2.1-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг эдукологик имкониятлари .....	421
2.2-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш модели .....	532
2.3-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми..	68
2.4-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишга доир тажриба-синов ишлари мазмуни .....	94
<b>Иккинчи боб бўйича хулоса .....</b>	<b>101</b>
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>105</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>108</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>124</b>

## **КИРИШ**

Жаҳон таълими тизимида мактабда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик асосларини такомиллаштириш орқали ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларда ташаббускорлик сифатларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик компетенциясини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Илғор мамлакатлар таълими тизимида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишига қаратилган дунёвий ва минтақавий дастурлар амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиётини диверсификациялаш шароитида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши бўлажак мутахассисларни ҳаётий фаолиятга тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Жаҳон таълими тизимидаги ўзгаришлар ва ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, мамлакат экспорт салоҳиятини янада ошириш учун хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг интеграциялашган механизmlарини такомиллаштириш орқали ўқувчиларда тадбиркорлик компетенциясини ривожлантириш куннинг долзарб вазифасига айланмоқда.

Дунёда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик механизmlарини такомиллаштириш орқали ўқувчиларни ҳаётий фаолиятга тайёрлаш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Халқаро амалиётда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши янги ишчи ўринларининг яратилиши ва ишсизликнинг камайишига, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ортишига, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Таълим дастурларининг сифат жиҳатидан янгиланиши шароитида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга тайёрлаш учун тадбиркорликка асосланган инновацион метод ва воситаларни ишлаб чиқиши, қиймат яратишга асосланган технологиялар асосида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик асосларини ва механизmlарини лойиҳалаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ҳам таълим тизими жараёнларида тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта таълим мактаблари ёшларида тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммолар ҳам ҳал этилади”, дея билдирган фикрлари бу жараёнда мавжуд имкониятлар асосида битирувчилар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини белгилаб берди [11; 15-55-б.]. Мамлакатимизда ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда [1], ҳамда уларга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун катта имтиёзлар берилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқишда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш [9], ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, қасб-хунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб берилди [2]. Бу эса, умумий ўрта таълим мактабларида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш орқали уларни бизнесга қизиқишиларини оширишда тадбиркорликнинг амалий компонентини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар кўламини кенгайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги [7], 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [5], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги ВМ-997-сон “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги ҳалқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [10] ҳамда

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги [3] Конунигинг бир қатор моддаларида ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда ўқувчиларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш вазифалари белгилаб қўйилган.

Республикамизда ўқувчиларда иқтисодий билим ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари, хукуқий, психолого-жихатлари, ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича Б.Ганиев [24], Н.Муродова [58], Н.Нагметова [65], Ш.Кувондиқов [95], О.Ҳайитов [101], Р.Ҳакимов [102], М.Артикова [15], Д.Рахматуллаева [84], Г.Очилова [74], У.Файзуллаев [89], А.Абдурашидов [13] каби олимларнинг илмий-тадқиқотларида ёритиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан А.Бартенев [23], В.Гребнева [25], И.Кондратенко [27], Е.Манчук [29], А.Миллер [121], М.Никулаева [73], В.Петрищев [83], А.Шилкина [94] ва бошқалар ўқувчиларни мустақил тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашнинг ташкилий-педагогик асослари, психологик хусусиятларини илмий изланишларида баён этганлар.

Хорижий олимлардан A.Connor [124], U.Hytti [136], J.Li [118], E.Leffler [119], C.Johnson [112], K.Spring [128], S.Shane [130], B.Surlemont [129] ва бошқалар тадбиркорлик таълим мининг замонавий ёндашувлари, педагогик асослари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий ижтимоий аҳамияти, тадбиркорлик таълимини ташкил этиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Бироқ, амалга оширилган тадқиқотларда тадбиркорлик таълимига оид масалалар ўрганилган бўлсада, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш муаммоси етарли ўрганилмаган. Илмий кузатиш ва таҳлилларга кўра умумий ўрта таълим мактабларида тадбиркорликка

йўналтирилган инновацион ёндашувлар ва механизмлар асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўнималарини шакллантириш ва такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу эса, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг дидактик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Мазкур монографияда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ривожлантириш жараёни тузилмаси халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиш тизими билан ўзаро уйғунлигининг концептуал қоидаларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган, ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш ва диагностика қилишнинг инновацион педагогик механизмлари тизимли, интеграцион, компетенциявий ёндашувларнинг функционал алоқадорлигини моделлаштириш асосида такомиллаштирилган, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг дидактик таъминоти ўқувчиларда тадбиркорлик кўнималарини шакллантиришга оид амалий усуллардан ҳамкорликдаги фаолиятга тайёргарлик, тадбиркорлик сифатларини қарор топиши, мустақил тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга тайёргарлигининг барқарорлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг амалий компоненти тадбиркорликка доир мантиқий, креатив ва танқидий фикрлашга ўргатишга доир вазиятли-таҳлилий интерфаол топшириқларни оптimal қўллашга йўналтирилган “эфективлик концепцияси” таълим механизмини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

# **І БОБ. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

## **1.1.-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш: асосий тушунча ва тамойиллар**

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ёш авлоднинг илмга, ҳунарга бўлган интилишларини ҳар томонлама кучайтириш, келажак авлоднинг тадбиркорликка қизиқишларини ошириш, уларда тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг марказида бўлиб келган [8].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан “Ҳар бир оила – тадбиркор” [4] ҳамда “Ёшлар – келажагимиз” [6] Давлат дастурлари доирасида мамлакатимизда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрь куни қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг бир қатор моддаларида [3] айнан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида таъкидланган. Ушбу қонуннинг З-моддасида мамлакатимизнинг 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслари ёшлар деб тушунилиши белгилаб қўйилган. Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўплаб шарт-шароитлар яратиб келинмоқда ва бу давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Шунингдек, ёшларимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка жалб этишда, касб-ҳунарга йўналтиришда, уларда тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этиши мумкинлиги қонуннинг 19-моддасида акс этган ҳамда ушбу қонуннинг

26-моддасига кўра, ёшларни тадбиркорликка йўналтиришни ривожлантиришга қўмаклашишга алоҳида урғу берилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги [7] фармони мамлакатимизнинг кейинги беш йили учун дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда. Етти йўналишдан иборат тараққиёт стратегиясининг тўртинчи йўналишида айнан таълим ва илм фанни ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Унга кўра умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш мақсадида битиравчиларнинг бандлигини таъминлашга, инсон капиталини ривожлантириш алоҳида тўхталган [7].

Тадбиркорлик мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлайди, чунки тадбиркор ўзини, оиласини, халқини, давлатини ҳам боқади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” [12].

Бизнес фаолиятини инновационлигини, яъни замонавий ёндашувларга асосланганлиги, илғор технологиялар ва бошқарув усуллари асосида ташкил этилганлигини англатувчи иқтисодий йўналиш фаол тадбиркорлик ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, битта ишсиз одам – ўнта муаммо дегани. Масаланинг нақадар жиддий эканлигини ушбу муаммолар туфайли ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зараридан англаш мумкин [11; 12-46-б.].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш келажакда меҳнат бозорида рақобатбардош, масъулиятли, ўз касбини яхши эгалланган ва боғлиқ фаолият соҳаларини тушунувчи, жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлашга қодир [63; 15-17-б.], тегишли билим эгаллашда шахснинг эҳтиёжларини қондиришни белгилайди.

Мактаб - ҳамиша ҳар қандай жамиятда ҳам халқ ва давлат томонидан эъзозланган муқаддас маскан [46; 75-76-б.]. У ҳар доим жамиятнинг масъулиятли, оғир айни пайтда шарафли юкини елкасига тутиб келган.

Мактаб ўта мураккаб, заргар меҳнатининг маҳсули каби нозик ва ноёб тизимдир. Бозор иқтисодиёти жараёнидан педагог ходимдан албатта тадбиркорликни талаб қилади. Ҳаттоқи соҳибқирон Амир Темур “Темур тузуклари” китобида “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шиҷоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд қишидан афзалдир” [31; 105-106-б.] деган фикрни келтириб ўтган.

- билимдонлик, муаммо ва тўsicк, қийинчиликларни олдиндан кўра олиш лаёқати, ривожланган хаёл жараёнлари, олдиндан кўп сабаб ва оқибатларни тасаввур қила олиш, реал фантазия, тафаккурдаги креативлилк, яъни ҳар нарсага ижодий ёндаша олиш қобилияти, тафаккурнинг истиқболга йўналганилиги

#### Интеллектуал сифатлари



- кўпчилик фаолиятини мувофиқлаштира олиш, бегоналарга нисбатан ижтимоий нуқтаи назардан сабртоқатли бўлиш, баъзан оқимга қарши бора олиш, яъни агар манфаат талаб қилса, охиригача ўз нуқтаи назарини ва қизиқишларини ҳимоя қила олиш, турли тоифа, жинс ва ёш хусусиятли инсонлар билан гаплаша олиш ва ўз фикрини тушунтира олиш маданияти

#### Коммуникатив сифатлар



- таваккал қила олиш қобилияти, ўз ҳаракатлари, истаклари ва эҳтиёжларини назорат қила олиш, курашиш ва ғалаба қилиш иштиёқи, ўзининг бутун иқтидори ва “мен”и фазилатларини ўзгаларга кўрсатиши орқали, кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлиш, ютуқларга эришиш мотивининг муваффакиятсизликлардан сақланиш мотивидан устунлиги, қатъият, талабчанлик, яъни нафақат ўзгаларга, аввало ўзига нисбатан талабчанлик, интилувчанлик, қўрқмаслик, дадиллик

#### Иродавий сифатлар



### 1.1.1-расм. Тадбиркорлик сифатлари

Тадбиркор инсонда уддабуронлик сифати шаклланган бўлиб, у мураккаб вазиятлардан самарали чиқиши йўлини топа олади [21; 53-59-б.]. Халқаро баҳолаш талаблари асосида ўқувчиларда тадбиркорлик сифатларини ривожлантириш бўлажак тадбиркорнинг ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб, келажакда ўз фаолиятини режалаштира олишига имкон беради. Ўқувчиларда қуйидаги тадбиркорлик сифатларини шакллантириш амалга оширилади (1.1.1-расм).

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик иқтисодий муносабатларни белгилаб беради [22; 85-90-б.]. Иқтисодий муносабатлар – соф маънода

инсонлараро муносабатлар бўлиб, унда инсон шахси марказий фигурадир [65; 85-90-б.]. У бир вақтда ушбу муносабатларнинг ҳам объекти, ҳам субъектидир, зоро, ишлаб чиқаришнинг асл мақсади (предмети ҳамда мотиви) ҳисобланган меҳнат бир томондан одамнинг эҳтиёжлари, ички мотивацияси маҳсули бўлса, иккинчи томондан, айнан у шу меҳнатни амалга оширувчи, ҳамда унинг маҳсулларини ўзлаштирувчи [40; 367-369-б.] ҳам айнан унинг ўзидир. Шунинг учун ҳам шахснинг ушбу тизимдаги асл моҳиятини билиши, унинг фаоллигини таъминловчи шарт-шароитларни яратади олиши ва меҳнат маҳсулини башорат қилиши тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришдаги самаранинг бош омили ҳисобланади. Мактабда педагогнинг тадбиркорлик сифатлари таълим-тарбиянинг ривожланиш жараёнига ижобий таъсир қиласи [40; 368-369-б.].

Умумпедагогик (умумдидақтиқ)	Хусусий методик (фан)	Локал (модулли)
умумпедагогик (умумдидақтиқ, умумтарбиявий)  технология таълимнинг маълум босқичида ушбу таълим муассасасида яхлит таълим жараёнини ифода этади. Бунда педагогик технология педагогик тизимга ўхшацдир: унга ўқитишининг мақсадлари, мазмуни, восита ва методлари тўплами, фаолият объекти ва субъекти алгоритми киради	хусусий методик педагогик технология “хусусий методик” қўринишида қўлланилади, яъни бир фан, синф, ўқитувчи доирасида ўқитиш ва тарбиялаш маълум мазмунини амалга ошириш учун методлар ва воситалар тўплами сифатида ишлатилади	локал технология ўқув- тарбиявий жараёнинг алоҳида қисмлари, хусусий дидактиқ ва тарбиявий масалаларни ҳал этиш технологиясидан иборат (алоҳида турдаги фаолият, тушунчалар шакллантириш, алоҳида шахсий сифатларни тарбиялаш, дарс технологияси, материалларини такрорлаш ва текшириш технологияси, мустақил ишлар технологияси ва бошқалар)

### 1.1.2-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишини ривожлантириш жараёни тузилмаси

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ривожлантириш жараёни тузилмаси педагогик технология билан узвий боғлиқ бўлиб “Педагогик технология” тушунчаси [53; 97-98-б.] учта тартиб билан бир-бирига боғлиқ даражаларда ишлатилади (1.1.2-расм). Ушбу даражалардан келиб чиқсан ҳолда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми тушунчасига қуидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади (1.1.3-расмга қаранг).

### Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми

- ўқитишнинг инновацион моделларини амалга оширишда ташхисланувчи ва кафолатланувчи натижани таъминловчи ҳаракатлар, жараёнлар ва тадбирларнинг тартибга солинган йиғиндисидир

#### 1.1.3-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми машғулотларни ўтказишида ўқув жараёнини жадаллаштириш учун ўқувчиларни фаолликка ундовчи, рағбатлантирувчи, тадбиркорлик ва ташаббускорлик сифатларини ривожлантирувчи восита сифатида ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини ошишига хизмат қиласи. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг мақсадлари ва тамойилларига мувофиқ ўқитишни ривожлантириш жараёни тузилмаси миллий ўқитиш тизимини халқаро баҳолаш дастури талаблари асосида ўқувчининг касбий ва ижодий имкониятларини ривожлантиришни назарда тутади [53; 97-103-б.].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтирувчи таълим моделида халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиш тизими билан ўзаро ўйғунлигининг концептуал қоидаларини назарий ва амалий ўқиши оқилона уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш 1.1.4-расмда келтирилган.



#### **1.1.4-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтирувчи таълим модели**

Ўқувчиларнинг тадбиркорликка оид билим ва малакасини умумий равишда таҳлил қилиш мамлакатдаги таълим сифати даражасини белгилайди [62; 83-89-б.]. Миллий ўқитиш тизимида ўқув йили давомида ҳар бир таълим муассасасида ички ва ташқи мониторинг ўтказиб борилади. Унинг натижасига кўра энг намунали мактаблар кетма-кетлиги, ўқувчиларнинг салоҳияти ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси аниқланади. Бу жараён таълим тараққиётини белгиловчи муҳим мезон бўлгани учун умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари тадбиркорликка оид билимини баҳолаш бўйича халқаро баҳолаш дастурларини амалиётга жорий этиш миллий ўқитиш тизимида таълим сифатини баҳолашдаги назорат материалларини халқаро тадқиқотларда қўлланиладиган назорат материаллари сифати даражасида ишлаб чиқиши имконини беради.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ривожлантириш жараёни тузилмаси таркибий қисми халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиш тизими билан ўзаро уйғунлигининг ўзгарувчан (мослашувчанлик), модуллилик, индувидуаллаштириш тамойилларига асосланган [85; 166-168-б.].

Субъективлик тамойили	<ul style="list-style-type: none"> <li>ўқувчини ўқув-тарбиявий жараёнининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишини назарда тутади, ўқитишнинг йўналиши ва суръатини мустақил белгилайди, унинг натижаларини олдиндан башорат қиласди, бунда ўқитувчи асосан маслаҳатчи ролини бажаради</li> </ul>
Интегративлилик тамойили	<ul style="list-style-type: none"> <li>ўқувчи фаолиятнинг жамоавий шаклларига киритишини, фанлараро ва касбдан юқори билимларни трансляция қилиш асосида тайёргарликни ташкил этишни тартибга солади</li> </ul>
Дифференционал (табақаланиш) тамойилини	<ul style="list-style-type: none"> <li>амалга ошириш ўқувчиларни уларда тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш билан биргаликда касбга йўналтиришни таъминлайди</li> </ul>
Индивидуаллаштириш тамойили	<ul style="list-style-type: none"> <li>ўқув-тарбия жараёнини ҳар бир ўқувчининг шахсий сифатларини ҳисобга олган ҳолда куриш, унинг индивидуаллигини ривожлантириш зарурлигини белгилайди</li> </ul>
Мослашувчанлик тамойили	<ul style="list-style-type: none"> <li>юзага келаётган янги вазифалар, ўқитишнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишига мос ҳолда бажарилади</li> </ul>
Рефлексивлик тамойили	<ul style="list-style-type: none"> <li>ўқувчиларда мунтазам равишда ўзини-ўзи таҳлил қилиш ва бу фаолиятга эҳтиёж кўникмаларини шакллантиришни назарда тутади</li> </ul>

### 1.1.5-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб

#### ўқитишни ривожлантириш жараёни тамойиллари

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ривожлантириш жараёни қуидаги тамойиллар йифиндиси асосида тартибга солинади [84; 86-91-б.]: субъективлик, интегративлик, дифференционал (табақаланиш), индувидуаллаштириш, мосланувчанлик ва рефлексивлик (1.1.5-расм). Ушбу тамойиллар асосида хорижий тилларни тадбиркорликка

йўналтириб ўқитишини ривожлантириш жараёни тузилмаси халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиш тизими билан ўзаро уйғунлигининг концептуал қоидаларини аниқлаштирилади (1.1.6-расм).

<b>Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг концептуал қоидалари</b>		
- тадбиркорлик фаолиятининг замонавий жамиятда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатидан муввафқияти бўлажак тадбиркорнинг касбий тайёргарлик даражаси ва тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлиги билан белгиланади	-хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг мақсади ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидан, меҳнат бозоридан келиб чиқиб белгиланади, ишни энди бошлаган тадбиркор ўз фаолиятида бошидан ўтказадиган қийинчиликларни, бизнес соҳаси ва тадбиркорлик маданиятининг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олади	- тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлик ўқувчиларнинг ўзига хос компетенциялари, ижодий ёндашуви ва етакчилик сифатларини шакллантиришга имкон берувчи тадбиркорлик фаолияти ва ўқитиш технологиясининг мазмуни, хусусияти ва характеристини очиб бериш учун ўқув фанларининг ўргатувчи ва тарбияловчи имкониятлари воситаси билан ўқувчиларни синфдан ташқари касбий тайёрлаш жараёнида амалга оширилади

### **1.1.6-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг концептуал қоидалари**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни моделлаштиришда концептуал қоидалар [34; 218-б.] мавжудлиги халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги PISA, TIMSS [134] каби халқаро тадқиқотларни ташкил этишда халқаро стандартлар даражасида юқори иқтисодий самарага асосланган миллий баҳолаш тизимини яратиш имконини беради.

Интегратив жараёнлар хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни рефлексив бошқариш технологиясини изчил ёяди. Мазмун жиҳатидан интегратив жараёнлар деярли барча ўқув фанларини танлаш орқали амалга оширилади ва илмий билиш услублари билан белгиланади. Ўқувчиларни тадбиркорликка ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосида ижодий вазифаларини амалга ошириш интеллектуал зўриқишини таъминловчи ахборотдан фойдаланиш, ички ҳаяжонланиш, ўқувчиларнинг маълум хислатлари, қизиқувчанлик муносабатларини [43; 84-85-б.] талаб этади. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг бош мақсади мактаб ўқувчиларида тадбиркорлик компетенциясини ривожлантириш ҳамда касбий фаолиятига тайёргарлигини шакллантириш учун қулай шароитлар яратиш ҳисобланади. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ривожлантириш жараёни тузилмаси турли хил тадбиркорлик таълими мазмуни ва ўқитиш методлари мажмуини назарда тутади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мактаб педагог ходимига қуйидаги тадбиркорлик талаблари қўйилади [53; 97-100-б.]: масъулиятни ўз бўйнига олиш ва ҳис этиш, бозор қонун-қоидаларини, талабларидан келиб чиқсан ҳолда дарс машғулотларини ташкил этиш, тараққиёт билан баробар қадам ташлаш, кўпчилик дарди билан яшаш, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамижодкорлик билан иш юритиш, мустақил фикр юрита олиш, мақсадни аниқ қўя олиш, ишбилармонлик, самимий, вазмин, бағрикенг, ижодкор, бунёдкор, яратувчи; талабчан ва меҳрибон, вақтнинг қадрига етадиган, хушмуомала инсон бўлиши керак.

## **1.2-§. Замонавий шароитда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишга таъсир этувчи омиллар**

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим вазифаси - ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, уни ҳал

этишнинг асосий йўли эса, ишловчининг меҳнат натижаларига бўлган қизиқишини оширишdir.

Бозор муносабатлари меҳнат бозорида тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўз иш ўрнида турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлган ходимларга бўлган талабнинг ортишига олиб келди [61; 115-126-б.].

Замонавий шароитда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тадбиркорларни тайёрлашнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланаб, у инсон фаолиятининг турли босқичларидағи таълим жараёнларининг ийғиндиси ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва кенгайишининг асосий шартларидан бири малакали тадбиркор кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Бозор муносабатлари чуқурлашуви, истеъмолчилар талабларига мос келувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш доираси кенгайиши, аҳолининг иш билан бандлиги ошиши хусусий корхоналар раҳбарларининг айнан билимларига, қобилияtlарига боғлиқ. Замонавий иқтисодиёт эса ўз ишини яхши биладиган, ақл-заковатли тадбиркорлар билан шаклланади [60; 105-206-б.].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишга эҳтиёж бозор муносабатларига кириш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши муносабати билан пайдо бўлди. Хусусий мулк илгари олинган умумтаълим ва касб-ҳунар билимларига қўшимча равишда билим олиш талаб этилган тадбиркорлар синфининг шаклланишига олиб келди [82; 30-33-б.].

Бундай тизимни тузиш турли (худудий, муниципал) даражадаги давлат органлари, ижтимоий ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг келишилган ҳолда ҳаракат қилишларини талаб этади. Бу ҳаракатлар давлат қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, маҳсус воситаларни ажратиш, барча манфаатдор ташкилотларнинг ўзаро оператив ҳаракатлари асосида амалга ошади [92; 302-406-б.]. Ўрта маҳсусдан тортиб, то олий ва мукобил бизнес

таълим тизимида бўлган барча таълим бўғинларининг бирлашган ҳаракатлари билан ижобий натижага эришиш мумкин. Бу фикрга қўпчилик кўшилади, бироқ давлат ва жамият ушбу дастакни охиригача ишлата олиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади [91; 105-106-б.].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг роли ва ўрнини чуқур англаб етиш учун биз унинг асосий функциясини, таълим тизимининг мазмунини белгилаб олишимиз зарур, чунки бугунги кунда иқтисодиётнинг барча таркибий тузилмалари учун малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва тарбиялаш асосан тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг умумтаълим ва маҳсус қасбхунар даражасини узлуксиз равишда ошириш жамиятнинг ва бозор иқтисодиётининг эҳтиёжига айланиб бормоқда [99; 45-47-б.]. Шу сабабли таълим тизимининг, шу жумладан, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг мазмуни узлуксиз ривожланиш босқичида турибди.

Давлат томонидан катта ҳажмдаги ресурслар ажратилишига қарамай бизнес таълим ҳамда бизнес соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг янги вазифаларини молиялаштириш манбаларини янада кенгайтиришни талаб этади. Жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотнинг таннархи таркибида таълим харажатларининг улуши камида 10 фоизни ташкил қиласди. Мамлакатимиз тадбиркорлик тузилмаларининг аксарияти ўз ходимларининг малакасини ошириш учун жуда кам микдорда, корхоналар умумий харажатларининг 2-3 фоиз чегарасида маблағ ажратади, бу қатор солик юкларининг мавжудлиги билан боғлиқ [100; 105-106-б.].

Ўзбекистоннинг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлилига кўра, 2015-2019 йилларда ишсизлик [133] юқори кўрсаткичларда сақланиб қолаётганини кузатишмиз мумкин (1.2.1-жадвал).

### **1.2.1-жадвал.**

#### **Ўзбекистоннинг ривожланиш кўрсаткичлари**

<b>Йиллар</b>	<b>ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳаси</b>	<b>“Doing Business”даги ўрни</b>	<b>Ишсизлик</b>	<b>Аҳолиси</b>
<b>2015 йил</b>	62	82	105,2	31,02
<b>2016 йил</b>	89	87	105,2	31,58
<b>2017 йил</b>	90	74	105	32,12
<b>2018 йил</b>	21	76	105,2	32,66
<b>2019 йил</b>	26	69	105,5	33,26

Иқтисодиётнинг хусусий сектори учун таълим муассасалари ўқувчиларда тадбиркорликка оид амалий кўникмалар шакллантиришни ҳаётнинг ўзи, бозор муносабатларига ўтиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш заруратини тақозо этди [88; 105-106-б.]. Олинган билимлар эса тадбиркорлик фаолиятида амалга оширилади.

Давлат ва хусусий тузилмалар учун ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш ва диагностика қилишнинг инновацион педагогик механизmlари тизимли, интеграцион, компетенциявий ёндашувларнинг функционал алоқадорлигини моделлаштиришда давлат концепциясининг талаблари [108; 417-427-б.] қуидаги тамойиллардан келиб чиқиши лозим:

- умуминсоний қадриятлар ва шахснинг эркин ривожланиш устуворлиги: халқпарварлик, меҳнатсеварлик, инсон ҳуқуqlари ва эркинликларига хурматни тарбиялаш;

- таълимнинг ҳамма учун бараварлиги, таълим тизимининг тадбиркорлар тайёрлашни ривожлантириш даражасига ва хусусиятларига мослашувчанлиги:

- ишбилармонлик таълимининг эркинлиги ва плюрализми;

- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;

- жаҳон ишбилармонлик таълими тизимига киришда фан ва техника ютуқлари ва миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда таълим тизимини интеграциялаш;

- фан-техника ва технологияни ривожлантириш йўналишларини аниқлашда, шунингдек, кадрларни тайёрлаш, тадбиркорлик тузилмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ошкоралик.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш концепциясида ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш ва диагностика қилишнинг инновацион педагогик механизмлари таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш тарихий ва миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши лозим. Меъёрий-хукукий ҳужжатлар давлат ҳокимияти органлари ва турли даражадаги таълимни бошқариш органлари, шунингдек, давлат ва нодавлат таълим тизимлари ўртасида таълим соҳасидаги ваколатларнинг чегараланишини таъминлаши керак [93; 62-64-б.]. Фуқароларнинг исталган турдаги, шу жумладан, дипломдан кейинги таълимни олиш борасидаги конституциявий хукуқлари ҳимояланиши зарур.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг кадрлар тайёрлашнинг ушбу шакли соҳасидаги хукуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари ва жавобгарлигини, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабатлари хукукий жиҳатдан тартибга солинишини белгилаган [97; 15-36-б.] ҳолда Ўзбекистон худудида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмлари ва ишбилармонлик таълими эркин фаолият юритиши учун хукукий кафолатларни яратиш лозим.

Ўсиб борувчи бизнес якка тадбиркордан [36; 247-248-б.]:

- маркетинг, менежмент, молия, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги чуқур билимларни;
- муросага келишни билиш;
- музокаралар олиб бориш ва жамоада ишлаш қобилиятини талаб қиласди.

Бизнес ва тадбиркорлик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлашда ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш ва диагностика қилишнинг инновацион педагогик механизмлари тизимли, интеграцион, компетенциявий ёндашувларнинг функционал алоқадорлиги иқтисодий,

тадбиркорлик ва тарбия фанлари мажмuinи қамраб олиши зарур. Ушбу фанлар доирасида ўқувчиларда тадбиркорлик компетенцияси (1.2.1-расм) ривожлантирилади. Тадбиркорлик компетенцияси тадбиркорликка оид билим, кўникма ва малакарни ўз ичига олади [36; 248-б.].

Билим	Кўникма	Малака
<ul style="list-style-type: none"><li>• тадбиркор имконияти</li><li>• тадбиркорлик режаларни тузиш усуллари</li><li>• мижозларга хизмат кўрсатишни билиш</li><li>• ишлаб чиқариш жараёнлари</li><li>• музокаралар юритишни билиш</li><li>• бизнесни бошқариш</li><li>• бозор</li><li>• рақобатчилар</li><li>• тадбиркорлик соҳасининг хукукий асослари</li><li>• кўмаклашиш ва молиялаш манбалари</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• маркетинг</li><li>• молиявий бошқарув</li><li>• ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш</li><li>• режалаштириш</li><li>• раҳбарлик (коучинг: ходимларни бошқаришнинг замонавий хили)</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• етакчилик</li><li>• имкониятлар доирасида ҳаракат қилиш</li><li>• ахборотни якка тартибда қидириб топиш</li><li>• малака</li><li>• шартномаларни бажариш қобилияти</li><li>• муаммоларни ҳал этиш</li><li>• мунтазам режалаштириш</li><li>• таваккал қилиш қобилияти</li></ul>

### 1.2.1-расм. Тадбиркорлик компетенцияси

Таъкидлаш лозимки, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши тадбиркорлик, иқтисодий билим асослари ва тарбия фанлари педагог кадрларини тайёрлашда давлат стандартлари ва аниқ механизми мавжуд эмаслиги туфайли кадрларни ўқитиши, улар малакасини ошириш бозор иқтисодиёти учун қайта тайёрлашга бўлган ўзгарувчан эҳтиёжларга тезкор мослаша олмайди [96; 105-106-б.].

Ушбу ҳолатда “Ким бўлмоқ?” деган савол “Ким керак?” деган савол билан боғланиши керак [36; 247-248-б.], яъни ишчи кучини тайёрлаш иқтисодиётнинг талаблари ва эҳтиёжларига мос келиши керак (1.2.2-расм).

### **“Ким бўлмоқ?” “Ким керак?”**



- иқтисодиёт эҳтиёжларига мос ҳолда ўқувчи ёшларни илмий-ташқилий қасбга йўналтириш
- билимларни янги техника ва технологиялар талабларига доимий равишда мос келишини таъминлаш
- кадрларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш каби ишчи кучларини тайёрлаш жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштириш
- кадрларнинг касбий ва малакавий қўтарилиш тизимини яратиш
- кадрлар тайёрлашнинг энг самарали шаклларини танлаш

## **1.2.2-расм. Тадбиркорлик таълими тизимида иқтисодиётнинг талаб ва эҳтиёжлари**

Ривожланган мамлакатларда жамиятнинг келажаги мамлакатда таълим тизимининг ривожланганлиги билан белгиланади. Юртимизда узлуксиз таълим самарадорлигини оширишда битирувчиларни бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига қўтарилди.

Бизнингча, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини тадбиркор кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларини такомиллаштиришнинг янада самарали дастурини ишлаб чиқиш зарур. Мазкур дастур ўқувчи ёшларда тадбиркорлик кўникмаларининг шаклланишида ҳамда ўзини иш билан банд қилувчи ёшлар сони ўсишининг истиқболли тенденцияларини ҳисобга олиши ва кенг ихтисосли тадбиркорларни тайёрлашнинг турли шаклларидан фойдаланишнинг

кенгайишини кўзда тутиши керак [98; 35-46-б.]. Бундан ташқари, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашга қандай янги омиллар таъсир кўрсатиши мумкинлигини назарда тутиш даркор (1.2.3-расм).

### Давлат ва хусусий секторларида кенг соҳадаги мутахассисларга бўлган талабга таъсир кўрсатадиган омиллар

- меҳнат қилиш соҳасини ривожлантириш
- доимий равишда ортиб борувчи эҳтиёжларни қондириш зарурати
- меҳнат унумдорлигини ошириш эҳтиёжи
- технологик ва саноат ўзгаришлари
- бевосита фирмаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарурати
- жаҳон амалиётида янги турдаги касбларни жорий этиш

### Шу муносабат билан ишбилармонлик таълими

- ноу-хауни ўқитиш масалаларида ҳар томонлама таълимга айланади
- содир бўлаётган ўзгаришларга тезда мослашиш имконини берувчи масъулиятли бўлади
- мотивациялашган, бу ҳар бир таълим олувчида ўқишни давом эттириш истагини ривожлантиришга кўмаклашади
- интеграциялашган, яъни назарий ва амалий ўқишни оқилона уйғунлаштиради

### 1.2.3-расм. Ишбилармонлик таълимига таъсир этувчи омиллар

Замонавий шароитда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни диагностика қилишнинг инновацион педагогик механизmlари муайян педагогик тизим лойиҳаси сифатида тадбиркорлик таълими технологияларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади [14; 25-28-б.].

Педагогик жараёнда таълим технологиялари педагогик технологиялар мазмуни билан боғлиқ. 1.2.4-расмда педагогик технология бўйича МДҲ мамлакатлари мутахассислари фикрлари [131; 61-63-б.] келтирилган бўлиб, унда ўкув жараёнини педагогик ёндашган ҳолда лойиҳалаш ғояси илгари сурилган.

**В.П.Бесъпалко**

Педагогик технология – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир

**В.М.Кларин**

Педагогик технология ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир


**Н.Ф.Тализина**

ҳар бир педагог реал педагогик жараённи ташкил этишдан олдин ўқув жараёни ҳақида технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт, деб ҳисоблади

**1.2.4-расм. Педагогик технологиялар (МДҲ мамлакатлари мутахассислари фикрлари)**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни диагностика қилишнинг инновацион педагогик механизмлари – таълим жараёнида кўпроқ бўлажак тадбиркор шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатлайдиган тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёнидир [53; 97-98-б.].

Педагогик адабиётларда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологияси тушунчалари ҳақида аниқ таърифлар мавжуд эмас. Тадбиркорликка оид педагогик ёндашувларни таҳлил қилиб, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологиясига таъриф 1.2.5-расм келтирилган.



### **1.2.5-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологияси**

Тадбиркорлик таълими кўп ҳолларда бизнес таълимга қиёсланади, 1.2.6-расмда бизнес таълим технологияси тушунчаси таърифланган. Мамлакатимиз ривожланишининг энг муҳим шарти – замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратишдан иборат [39; 308-309-б.].

Хорижий тил ўқитувчиларининг фаолияти шахсни тарбиялаш жараёнида ўқитувчи ҳамиша нимани қандай ўқитиш кераклиги тўғрисидаги саволларга жавоб топиши, ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантиришда тизимли, интеграцион ва компетенциявий ёндашиши зарур [31; 106-б.].



### **1.2.6-расм. Бизнес таълими технологияси**

Педагог ўзи ўқитаётган ўқувчиларнинг руҳиятларига мос равища муроқотда бўла олиши, замонавий педагогик технологияларни эгаллаш ва ўқув-тарбия жараёнида тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш усулларини қўллай олиши лозим.



### **1.2.7-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида донишманд мутафаккирлар фикрлари**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида педагогик маҳорат ва маданиятга эга бўлган тажрибали ўқитувчи ҳар қандай шароитда ўқувчилар қалбидан жой топа олади. Зоро Конфуцийнинг “Ўзини камол топтира олмаган инсон, ўзгалар камолотини таъминлай олмайди” ёки Низомий Ганжавийнинг: “Ҳамиша ярагил ҳалқ хизматига, Безак бўл оламу, одам зотига” [31; 106-107-б.], - деган пурмаъно сўзлари бежиз айтилмаган. 1.2.7-расмда тадбиркорлик сифатларини акс эттирувчи донишманд мутафаккирлар фикрлари келтирилган.

Тадбиркорлик маҳоратига эга бўлган таълим-тарбия берувчи устознинг адашишига ҳаққи йўқ, чунки нотўғри қўйилган бир қадам инсонни ҳалокатга олиб боради. Зоро, Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” [31; 106-108-б.], деб бежиз айтмаган.



### **1.2.8-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида ўқитувчига күйиладиган талаблар**

Маданият ўқитувчининг юксак фазилатларидан дарак берса, маҳорат эса, уни касб эгаси даражасига кўтаради [37; 52-54-б.].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида ўқитувчига күйиладиган талаблар ичida шахсий фазилатлар биринчи ўринда туради (1.2.8-расм).

Ўқитувчининг бошқарувчанлик фаолияти, тадбиркорлик сифатлари ҳам ўта муҳим вазифадир.

“Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ, жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши лозимки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин”. А.С.Макаренконинг ушбу ҳикматли сўзлари ҳар бир ўқитувчи учун муҳимдир. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида нутқ маданияти, сўз бойлиги ҳам ўқитувчининг асосий қуролидир. Бу тўғрисида Абдулқодир Нурий ал-Барзаний шундай дейди: “Тилнинг ширинлиги ва хулқнинг поклиги сен учун ҳар қандай оғир ишни енгиллаштиради, тор ризқингни кенгайтиради, етолмаган мақсадларингга

етқазади, одамлар сени севади ва сенинг фойданг учун меҳнатини аямайди” [31; 106-107-б.].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш уларда тил билан боғлиқ тадбиркорликка оид мулоқот кўникмаларилари шакллантиришни, тадбиркорлик тушунчаларини интеграцион ривожлантиришни назарда тутади. Шунингдек, бизнес мунозараларда ютиб чиқиш, тадбиркорликка оид дунёвий ва минтақавий дастурларда иштирок этиб тадбиркорлик компетенцияларини ривожлантиришга имкон беради.

Ривожланган мамлакатларда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш ўқувчилар ва талабаларни ўзларининг компаниясини очишга ундаш кераклигини англашиб бизнесни бошлиш деб қараладиган тадбиркорликнинг жуда тор таърифига асосланади. Ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уларда тадбиркорлик сифатларини шакллантириш тадбиркорликнинг кенг тушунчаси сифатида талқин этилади [107; 417-430-б.]. Ўқувчи ёшларнинг қобилиятларидан келиб чиқиб, жамиятдаги мавжуд тадбиркорликка асосланган қадриятларни ўргатиш орқали келгусида касб танлаш, иқтисодиётда янги қиймат яратса олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмининг асосини ташкил этади.

***Нима учун*** тадбиркорлик таълим билан боғлиқ бўлиб, аввало иқтисодий нуқтаи назардан кўриб чиқилган? Олий таълим ва касб-хунар коллажларида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда етарлича иш тажрибалар мавжуд, бироқ бошланғич ва умумий ўрта таълим мактабларида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш йўлга қўйилмаганлигини кузатишимиш мумкин. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш орқали ўқувчиларни дарс жараёнларида янада фаол бўлишга жалб қилиш, уларда юқори мотивация уйғотиши мумкин [28; 46-б.]. Бу эса ўқувчи-ёшларда ўзларининг олган билимларига асосланиб иқтисодиётда қўшимча қиймат яратиб, юқори иштиёқли ва фаол бўлишлари

мумкинлигига ва ўрганилаётган билимларининг амалда қанчалик мухимлигини намойиш қилишга имкон беради.

Мактаб ёшидаги, хусусан, бошланғич таълим босқичидаги хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш деярли кузатилмайди, юқори синфларда тадбиркорлик ташаббусларининг аксарияти бошқа ўкув фанларига берилмасдан иқтисодий, тадбиркорлик асослари фанларида акс эттирилган. Шунингдек, тарбия фани ҳамда хорижий тиллар дарслкларида ҳам тадбиркорликка оид мавзулар ҳамда ўкув топшириқларни кузатишимииз мумкин. Касб-ҳунар коллажларида тадбиркорлик фаолияти касбий таълим таркибида ўқитилади [33; 88-90-б.].

Ўкувчиларни қандай қилиб тадбиркорликка жалб этиш бўйича олиб борилган кўпгина тадқиқотлар, изланишларга кўра ёшларни кўпроқ тадбиркорликка жалб қилишининг ягона усули - бу "амалиёт орқали ўрганиш"га асосланган ёндашувлардир [51; 654-655-б.]. Аммо тадқиқотчилар орасида ўкувчиларнинг фанлараро гурӯхларда ишлашлари ва таълим муассасаларидан ташқарида жамоатчилик билан ўзаро муносабатда бўлишлари ўкувчилар ўртасида тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг энг кучли усули эканлиги тўғрисидаги ёндашувлар кучайиб бормоқда [51; 655-656-б.] ва бу ёндашувлар жамият учун қандайдир қиймат яратилиши кераклигини назарда тутади.

Халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиш тизими билан ўзаро уйғунлигининг концептуал қоидалари ўкувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларда ижодкорлик, уддабуронлик, ишбилармонлик, мустақил фикрлаш каби тадбиркорлик сифатларини ривожлантиришни назарда тутади.

Мактабда олинган билим инсоннинг келгуси ҳаёт йўлини белгилайди. Кўпчилик бу билимни баҳо билан ўлчайди, аммо баҳо билимни белгиловчи аниқ мезон эмас [90]. Мамлакатимизда ўкувчилар билимини халқаро

талабларга етқазиши, унга мослигини ўрганиб бориш мақсадида PISA, TIMSS каби баҳолаш дастурларини кенг қўллаш режалаштирилди.

PISA бўйича баҳонинг 50 баллга ошиши ҳар йиллик Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 1%га ўсишини таъминлайди. Ушбу дастурда ўқувчиларнинг билим сифати мониторинги ўқиши, математика, молиявий, компьютер, табиий-илмий саводхонлик йўналишлари бўйича аниқланади. Тадқиқотда 15 ёшу 3 ойликка тўлиқ тўлган ва 16 ёшу 2 ойликка тўлганлар ўртасидаги ёшдаги, мамлакатдаги 7 ва ундан юқори синфларда ўқиётган ўқувчилар иштирок этадилар.

Замонавий шароитда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши ривожлантириш жараёни тузилмаси халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиши тизими билан ўзаро уйғунлигининг концептуал қоидаларини аниқлаштиришга асосланган ёндашувлар таҳлилига кўра халқаро тадқиқотларда олинган натижалар мамлакатдаги таълим сифати ва унинг халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда эгаллаган ўрни тўғрисида хуносалар чиқариш имконини беради [122; 1-2-б.]. Ушбу концептуал қоидаларда халқаро тадқиқотлар уйғунлигида таълим соҳасидаги миллий тадқиқотларни сифатли ўтказишга ҳамда диагностика қилишга, дидактик таъминотининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

### **1.3-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиша хорижий давлатлар тажрибаси**

Дунёда таълим йўналиши бўйича илмий салоҳият шиддат билан юксалиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши бўйича таълимга кўплаб янгиликлар киритилмоқда. 2006 йилда Европа Иттифоқига аъзо давлатларда компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари таянч компетенциялари номланишида ташабbusкорлик ва тадбиркорлик компетенцияси [127] жорий қилинганлигини кузатишимииз мумкин (1.3.1-расм).

Умумий ўрта таълимда тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг принципиал янги методологияси сифатида тадбиркорликка оид компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни амалиётга жорий этишда Жанубий Корея ва Япония давлатларининг [47; 192-195-б.] таълими тизими халқаро илғор тажрибалари ўрганиб чиқилди.

Дунёнинг бир қанча ривожланган давлатлари қатори Жанубий Кореяда ўқувчиларда тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш 13 ёшдан бошланади [47]. 1.3.2-расмда Жанубий Корея таълими тизимидағи ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

<b>Европа Иттифоқига аъзо давлатлар (28 давлат: Буюк Британия, Венгрия, Германия, Финляндия, Франция, Испания, Италия, Австрия, Бельгия, Болгария, Греция, Дания, Ирландия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Польша, Португалия, Румения, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия, Швеция, Эстония)</b>	Она тилида мулоқот қила олиш
	Чет тилида мулоқот қила олиш
	Математик саводхонлик, фан ва техника оид
	Информацион технологиялардан фойдаланиш
	Ўрганиш учун ўқиши ёки мустақил билим олиш
	Ижтимоий ва фуқаролик компетенцияси
	Ташаббускорлик ва тадбиркорлик компетенцияси
	Турли маданиятлар, қадриятларни тушуниш ва намойиш этиши компетенцияси

### **1.3.1-расм. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари**

Корея хукуматининг ялпи ички маҳсулоти 1980 йилларда Тайванд давлатининг ялпи ички маҳсулоти билан бир хил кўрсаткичга эга бўлган. 1990 йилга келиб, Жанубий Корея давлатининг ялпи ички маҳсулоти 10 фоизга ошган, бироқ Тайванд давлатининг ялпи ички маҳсулоти ўзгаришсиз қолганлигини кузатишимиш мумкин. Бунга асосий сабаб Жанубий Корея

давлатида таълим тизимини натижавийлигини ошириш орқали иқтисодиёт ривожланишига таъсир қўрсатишга ургу берилганлигидадир [47; 193-195-б.]. Ҳозирги кунда Жанубий Корея давлати таълим ва инновация соҳасида дунёнинг энг ривожланган давлатларидан биридир.

**Корея халқида тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантиришга бўлган интилиши хусусияти**

**Жанубий Кореяда таълим тизимида педагогларнинг аксарияти эркаклардан иборат бўлганлиги хусусияти**

**Дарсдан ташқари қўшимча тадбиркорликка оид амалий машғулотлар хусусияти**

**Ёшларнинг тадбиркорлик таълимига қўп вақт сарфлаганлиги хусусияти**

**1.3.2-расм. Жанубий Корея таълими тизимидағи муваффақиятларининг хусусиятлари**

Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ривожланган Жанубий Корея таълими тизимидағи муваффақиятларининг асосий қалити таълим муассасаларида таълим олувчиларда тадбиркорликка йўналтирилган амалий ташаббускорлик кўникмаларини шакллантиришдаги хусусиятларида деб изоҳланмоқда [47;193-194-б.].

Жанубий Кореяда ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожланишида мактаб таълими инсонларни шахс сифатида тадбиркорлик билан ўз-ўзини банд қилиш кўникмаларини шаклланишини юзага келтирувчи омил бўлганлигини билдиради.

Дарсдан ташқари қўшимча тадбиркорликка йўналтирилган амалий машғулотлар хусусияти шундаки, 9 ёшлик Жанубий Кореялик ўқувчиларнинг мактабда ўзлаштириган фанларини кундалик ҳаётида қўллай олиш бўйича амалий билимларини ривожлантиришга алоҳида ургу берилиши ва бу кўрсаткич халқаро тадқиқотларда юқори даражаларни эгаллаганлиги билан изоҳланади.

Япон таълим тизимида хусусий сектор ҳажмини ортиши хусусияти, бошқа соҳалардаги каби рақобат муҳитини ривожланганлиги

Таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш орқали ривожланган Европа давлатлари тажрибаларини янада тезроқ ўзлаштирилаётганлиги

Таълим тизимларида иштирокчиларнинг масъуллиги ва тўғридан-тўғри жавобгарлиги билан илмий янгиликлар амалиётга тезкор тадбиқ этилаётганлиги

Таълим тизими ўқув дастурлари ҳар йилда янгиланиши ва такомиллаштирилиш хусусияти, фан йўналишларидаги замонавий янгиликлар ва ўзгаришишлар ўқув дастурларида акс эттирилиши, таълим мазмуни йилдан йилга мазмун моҳияти жиҳатидан такомиллашиб бораётганлиги

Таълим тизими босқичлари жараёнларидағи имтиҳон назоратлари талабларини юқорилиги ва кескин чоралар қўйилиши хусусияти


### **1.3.3-расм. Япония таълими тизимидағи муваффакиятларининг хусусиятлари**

Ёшларнинг тадбиркорлик таълимига кўп вақт сарфлаганлиги хусусиятига кўра, миллий жиҳатдан умумий хусусиятларга эга бўлган Япония давлатининг таълим тизимида инсон ресурслари учун индустрисал иқтисодий ривожлантириш муҳим саналиб, 1964 йилда коллеж дастурлари 2 ёки 3 йиллик дастурларга алмаштирила бошланди. Бу 1980 йилга келиб Японияда таълими

тизимини халқаро хусусиятлари ривожланиши ҳамда колледжлар тизимида хусусий секторнинг ошишига [47; 192-193-б.] олиб келди.


Ўқув дастурлари З соҳада амалга оширилиб улар: турли мавзулар, ахлоқий таълим ва ихтиёрий фаолиятдан иборат. Мактаб ўқув дастурларига хунармандчилик, уй ишлари билан шуғулланиш каби тарбиявий аҳамиятга эга дарслар киритилган бўлиб, асосий эътибор ўқувчида кашфиётчилик хусусиятларини ривожлантириб боришга қаратилган [26].

Япония ёшлари таълимида асосан тижорат йўналишидаги хизмат кўрсатиш амалга оширилади. 1.3.3-расмда Япония таълими тизимидағи ўзига хос хусусиятлари келтирилган.



**1.3.4-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида ишлатиладиган атамаларнинг умумий шарҳи**

Ривожланган мамлакатларда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида энг кўп ишлатиладиган иккита атама бу тадбиркорликка оид таълим ва тадбиркорлик таълимиdir. “Тадбиркорликка оид таълим” атамаси асосан Буюк Британияда қўлланилади ва шахсий ривожланиш, тафаккур, кўникма ва қобилияtlарга кенгроқ эътибор қаратилади. “Тадбиркорлик таълими” атамаси эса корхона ташкил этишининг ўзига хос контекстига урғу бериш, ўзини иш билан таъминлашни англатади. Америка Қўшма Штатларида ишлатиладиган ягона атама бу тадбиркорлик таълимиdir [20; 577-597-б.].



### **1.3.5 - расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишига атроф мухит таъсири**

Тадбиркорлик ва тадбиркорликка оид таълим тўғрисидаги тушунчалар таълим соҳасида "кенг" ва "тор" маъноларда қўлланилади (1.3.4-расм). Тадбиркорликнинг тор таърифига кўра, бу имкониятларни аниқлаш, бизнесни

ривожлантириш, ўз-ўзини иш билан таъминлаш, корхоналарни яратиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдир [52; 78-79-б.]. Тадбиркорликнинг кенг таърифига кўра, бу шахсий ривожланиш, ижодкорлик, ўзига ишониш, ташаббускорлик, уddабуронлик каби сифатлар билан боғлиқ. Қайси таъриф ва ёндашув қўлланилса ҳам таълим мақсади, аудитория мақсади, дарс мазмуни, ўқитиш усуллари ва таълим олувчиларни баҳолаш мезонларига ўз таъсирини қўрсатмай қолмайди. Дастлаб дунё миқёсида тадбиркорликка йўналтирилган таълим олий ўкув юртларида жорий этилди ва 2001 йилда фақат АҚШда 1200га яқин бизнес мактабларида ташкил қилинган [35; 335-336-б.]. 2012 йилга келиб, ривожланаётган мамлакатларда бундай таълим сиёсий босим остида амалга оширилди. Бугунги кунда тадбиркорлик таълими кўплаб мамлакатларда саноат ва таълим сиёсатининг муҳим қисмига айланди.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизmlари атроф муҳит таъсирида такомиллашиб, тадбиркорлар ва яратилган янги қийматлар орқали атроф муҳитга ҳам ўз таъсирини қўрсатади (1.3.5 – расм).

Тадбиркорлик – тадбиркор шахсларларнинг ўсиб, ривожланиб бориш жараёнидир [19; 131-135-б.]. Бу нафақат ишビルармон шахс билан, балки шахс ва тадбиркорлик имкониятлари ўртасидаги муносабат билан, яъни Шане таърифлаганидек индивидуал-имконият занжири билан ҳам боғлиқ. Стивенсон ва Жарилло тадбиркорликни "жисмоний шахслар ўзлари ёки ташкилотлари томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиб, қиймат яратла олиш жараёнидир", [136; 95-б.] деб таърифлайдилар.

Бруят ва Жулиен конструктив ёндашувдан фойдаланадилар ва тадбиркор ҳамда у томонидан яратилган янги қийматни, тадбиркорлик муҳитини, тадбиркорлик жараёнининг ўзаро таъсирини вақтга боғлиқлигини таъкидлаб, "индивидуал" ва "тадбиркор" атамаларини биргаликда қўлланилишини таклиф қиладилар. Уларнинг фикрича, шахс ва у яратган янги қиймат

тадбиркорликнинг асосини ташкил этади. Шу каби ёндашувлар 1.3.2-жадвалда акс эттирилган.

### 1.3.2-жадвал

#### **Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг дидактик асосларини такомиллаштириш бўйича ёндашувлар**

	Шахсий даража	Ташкилий даражаси	Ижтимоий даража	Адабиётлар
<b>Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларини такомиллаштиришнинг долзарблигини ўрганиш бўйича ёндашувлар</b>				
<b>Иш жойларини яратиш</b>	Шахснинг ривожланиши иш ўринлари яратилишини оширади	Ривожланаштган ташкилотлар кўшимча иш жойларини яратади	Тадбиркорлик ва инновация янги иш ўринларини яратишда асосий йўналиш	(Жонес ва Иредале, 2010, Хиндле, 2007, Куратко, 2005, Волкманн, 2009)
<b>Иқтисодий муваффақият</b>	Тадбиркорлик одамларга иқтисодий муваффақиятларни бериши мумкин	Ташкилий янгиланиш ҳар бир фирманинг узоқ муддатли муваффақияти учун асосидир	Янгиланиш жараёнлари иқтисодиётнинг ҳаётий асоси хисобланади	(Куратко, 2005, Ўсоннор, 2008, Волкманн ва бошқалар, 2009, Горман ва бошқалар, 1997)
<b>Глобализация инновация ва янгиланиш</b>	Инсонларда тадбиркорлик кўниммалари ва қобилиятларининг мавжудлиги бутун дунёни ривожлантиради	Бозор тузилмаларини ўзгартиришда тадбиркорлик фирмалари ҳал килувчи рол ўйнайди	Тартибга солинган ва мослашувчан бозор шароитида одамлардан юкори даражадаги тадбиркорлик кўниммалар талаб қилинади	(Ҳенрӣ ва бошқалар, 2005, Жонес ва Иредале, 2010, Куратко, 2005, Ҳйтти ва Ўгорман, 2004)
<b>Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларини мактаб ёшиданоқ жорий этилишининг истиқболли ёндашувлари</b>				
<b>Қувонч, иштиёқ, ижодкорлик</b>	Яратувчанлик, қиймат яратиш ва ижодкорлик инсонларда қувонч ва магрурликнинг асосий манбаидир	Ходимларнинг ижодкорлиги ва қувончлари янги ва мавжуд ташкилотларнинг ишлаши учун зарурдир	Миллатларнинг иқтисодий бойликлари фуқароларининг фаровонлигига боғлиқдир	(Амабиле ва Қҳайре, 2008, Амабиле ва Крамер, 2011, Госс, 2005, Диенер ва Сух, 2003)
<b>Ижтимоий муаммолар</b>	Инсонлар иқтисодий муваффақиятларга эришиб, жамиятни ўзгартириши мумкин	Тадбиркорлик ташаббуслари сабаб коорпорациялар кичик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қиласи	Ижтимоий тадбиркорлик бозор иқтисодиёти ҳал қила олмаган муаммоларни ҳал қиласи	(Волкманн ва бошқалар, 2009, Куратко, 2005, Сеелос ва Маир, 2005, Аустин ва бошқалар, 2006, Рае, 2010)

Жамиятда тадбиркорларни асосан туғма фазилатларга эга бўлган ва нокулай шароитларда ёлғизлиқда ишлашни афзал қўрган эркак қаҳрамон

шахслар сифатида англаш каби умумий тенденция мавжуд [72; 223-224-б.]. Таълимда тадбиркорлик тўғрисидаги бундай қарашни қўллаш самарасиз бўлиб, жамоавий тадбиркорлик ҳаракатларидағи потенциалга аҳамият бермасликка олиб келади. Бу каби тадбиркорликнинг эскирган, гендер нуқтаи назари билан ёндашиш аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятидан бегоналашувига сабаб бўлади [79; 12-18-б.]. Таълим соҳасига кўпроқ мос келадиган тадбиркорлик фаолиятининг алтернатив қўриниши - бу инсон фаолиятини умумий омил сифатида қараш ва асосан таълим орқали ҳар ким ўрганиши мумкин бўлган тадбиркорлик усулларни ўз ичига олади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, компанияларнинг муваффақияти тадбиркорнинг ўзига эмас, балки тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ.

Хорижий тажриба ва тадқиқотларда тадбиркорлик таълимига уч хил ёндашув мавжуд [52; 77-78-б.]:

Биринчи ёндашувга кўра, тадбиркорлик тушунчаси ҳақида назарий билимларни ўз ичига олади.

Иккинчи ёндашув - бу бўлажак тадбиркорларга тадбиркорлик фаотлияти бўйича ўқитиш учун зарур билим ва қўникмаларни беришга қаратилган касбга йўналтирилган ёндашувни англатади.

Учинчи ёндашув эса ўқитиш жараёнида дарс машғулотларини тадбиркорликка оид амалий қўникмаларни шакллантиришга асосланиб, ушбу ёндашув кўпинча тадбиркорликни кенг таърифига таянади ва уни умумий таълимдаги бошқа фанларга қўшиб, тадбиркорлик хусусиятлари, жараёнлари ва тажрибаларини асосий мавзу билан боғлайди.

Тадбиркорлик таълимидаги ёндашувларда ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш ва диагностика қилишнинг инновацион педагогик механизмлари тизимли, интеграцион, компетенциявий ёндашувларнинг функционал алоқадорлиги акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Гарчи тадбиркорлик ҳақидаги назарий билимларни ўргатиш, тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқитиши асосан касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўқувчи-ёшларини ўқитишига тегишли бўлса-да [135], хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг интеграциялашган ёндашуви барча талабалар ва ўқувчиларга қўлланишиши мумкин. Демак, биринчи ёндашув (about) тадбиркорлик ҳақида, иккинчи ёндашув тадбиркорлик фаолияти бўйича (for), учинчи ёндашув хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишига (through) асосланади. Шу билан бирга, ресурслар ва вақт чекловлари, ўқитувчиларнинг тажрибалари етарли эмаслиги, баҳолаш мезонидаги муаммолар ва харажатлар [87; 11-13-б.] хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

### **Биринчи боб бўйича хulosा**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик асослари касбга йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиб, ўқитишининг фаол услублари билан хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишини ривожлантириш жараёни тузилмасини ташкил этишига асосланган халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиши тизими билан ўзаро уйғунлигининг концептуал қоидалари тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш механизмининг мазмуни бўлган ўқитишининг узлуксизлиги, модуллилик, инвариантлик, амалий йўналишига эга бўлишида субъективлик, интегративлик, дифференционал (табақаланиш), индувидуаллаштириш, мосланувчанлик ва рефлексивлик тамойилларига асосланади.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчаларини ривожлантириш ва диагностика қилишининг инновацион педагогик механизмларини тизимли, интеграцион,

компетенциявий ёндашувларнинг функционал алоқадорлигини таъминлаш тадбиркорларни тайёрлашнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Халқаро манбаларда “тадбиркорлик” ва “тадбиркор” тушунчалари турлича талқин қилинади. Шимолий ва Шарқий Европада, Швейцария ва Болтиқ бўйи мамлакатларида кўпинча “Тадбиркорликка оид таълим” атамаси, Финландияда эса “Интернал тадбиркорлик таълими” (“Тадбиркорликка оид таълим”) ва “Экстернал тадбиркорлик таълими” (“тадбиркорлик таълими”) атамалари қўлланилади.

Фикримизча, ўқув фаолиятида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг дидактик асослари бу фаолият айrim кишилар бажарилишини аста-секинлик билан ўқувчининг ўзига ўқитувчининг иштирокисиз мустақил бажариш учун ўтказилишидир.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг дидактик асосларини такомиллаштириш мактаб битирувчиларини бандлигини таъминлашда тадбиркорликка оид компетенциявий таълимни амалга ошириш учун ўтиладиган дарслар ҳамда педагогларнинг ҳам компетентлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ривожлантириш жараёни тузилмаси халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиш тизими билан ўзаро уйғунлигининг концептуал қоидаларини аниқлаштириш ўқувчиларда тадбиркорлик компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини ошишига, компетенциявий ёндашувларнинг функционал алоқадорлигини моделлаштиришга хизмат қиласи.

## **П БОБ. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ**

### **2.1-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг эдукологик имкониятлари**

Хозирги тез ўзгараётган замонда ҳар бир инсон унга мослашиб улгурмаса, ҳаётида турли муаммоларга учрайди. Жумладан, ҳозирги кунда таълим муассасалари битиравчилари қўпгина билим, қўникма ва малакаларга эга бўладилар. Шундай бўлсада, баъзан таълим муассасасини муваффақиятли битирган айрим ўқувчилар, ҳаёти давомида кўп муваффақиятсизликларга учраб туриши мумкин.

Юқорида келтирилган фактлар айрим инсонларнинг билим ва қўникмалари етарли бўлсада уларни турли вазиятларда қўллаш, ўз-ўзини бандлигини таъминлаш тажрибаси етарли бўлмаслигини билдиради.

Республикамида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида умумий ўрта ҳамда ўрта маҳсус қасб-хунар таълими учун компетенциявий ёндашувга асосланган ягона давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий қилинди [33; 89-90-б.]. Таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишда ўқувчиларга тадбиркорликка оид билим, қўникма ва малакаларини ўргатиш билан биргаликда, улардан бевосита кундалик ҳаётида учрайдиган таниш ва нотаниш вазиятларда қўллаш компетенцияларини шакллантириш мақсадида ўқув фанига оид умумий компетенциялар, ҳамда барча инсонлар эга бўлиши шарт бўлган таянч компетенцияларга урғу берилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу таянч компетенцияларни 6 та деб белгилаб олинган бўлиб [57; 11-15-б.], ўқувчиларда коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, умуммаданий, математик саводхонлик кабиларни ўз ичига олади (2.1.1-расм).

Ўсиб келаётган ёш авлодни замон ўзгаришларига тайёрлаш учун уларни билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантириш билан бирга кундалик

ҳаётида дуч келадиган вазиятлар [70; 79-85-б.], муаммоларни ечишда қўллай оладиган, ўз-ўзини бандлигини таъминлай оладиган қилиб тарбиялаш зарур. Бундай вазифани таълимда тадбиркорликка оид компетенциявий ёндашувга асосланган таълим технологияларини қўллаш орқали амалга оширилади.



### **2.1.1-расм. Таянч компетенциялар**

Ўқувчиларда тадбиркорликка оид компетенцияларни шакллантириш учун аввало, педагогнинг ўзи компетент бўлмоғи лозим. Ўқувчиларда қизиқиши уйготиш, ўзининг орқасидан эргаштира билиш учун ўқитувчи мустаҳкам иродага, билимга эга бўлиши билан биргаликда, тадбиркорликка оид педагогик салоҳияти юқори бўлиши талаб этилади. У доим фаол ва ижодий фикрловчи шахс бўлиши лозим. Педагог ҳар бир ўқувчи учун намунали шахс бўлиб ҳар қандай вазиятда туғилган муаммонинг ечимини мустақил равишда топа олиши керак [48; 154-155-б.].

Тадбиркорликка оид компетенциявий ёндашувнинг муҳим буюртмачилари ўқитувчи ва педагоглар ҳамdir. Бу умрида компьютер ишлатмаган одамга совға қилинган қимматбаҳо компьютерга ўхшайди. Бир томонидан янги имкониятлар, иккинчи томондан дастлабки даврда уни

ўрганиш учун жуда қўп мاشаққатли меҳнат талаб қиласди. Бундай оғир меҳнатни ўз бўйнига олмаган педагогларни инерт ва қотиб қолганликда айблашади. Чунки инновацияларни жорий этишда ўзидағи шу хислатни ҳамма педагог ҳам енга олмайди.

Тадқиқотлар шуни қўрсатадики, турли сезги аъзоларимиз иштирокида ўзлаштирилган ахборот орадан 2 ҳафта ўтгач, қуйидаги миқдорларда эслаб қолинади [130; 117-б.]:

Ўқиганимизнинг – 10 фоиз.

Эшитганимизнинг – 20 фоиз.

Кўрганимизнинг – 30 фоизи.

Кўрган ва эшитганимизнинг – 50 фоизи.

Гапирганимизнинг – 80 фоизи.

Гапирган ва амалда бажарганимизнинг – 90 фоизи.

Ўтмишда айrim таълим-тарбиявий қарашларда ҳам ўзига хос тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш элементларини учратишимиш мумкин [68; 48-51-б.].

Шунга кўра, юртимиз худудида турли даврларда яратилган айrim тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш элементларига оид фикрларни талқин этамиш.

Бурхониддин аз-Заржуний (1150 йилда туғилган, вафот этган йили номаълум) Марғilon шаҳрида яшаган. Ўзининг “Таълим олувчига таълим бериш ва таълим бериш йўллари” номли рисоласида [35; 71-72-б.] илм, касб-хунар ўрганишнинг асосий шартлари сифатида, энг аввало, ўқувчида жиддий истак, қатъият ва нон (яъни озиқ-овқати) бўлиши лозимлигини, шундан кейин яхши тадбиркор муаллим ҳамда етарлича вақт зарурлигини ёзган.

Бунда таълим-тарбиянинг юқори самарадорлиги, аввало, ўқувчига, яъни унинг жиддий истагига ва қатъиятига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилгани алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бу эса ҳозирда ўқувчидаги тадбиркорлик мотивларининг қанчалик мустаҳкам бўлиши ҳал қилувчи омил эканлиги


тўғрисидаги хulosаларнинг қўп асрлар олдин ҳам хисобга олинганлигини тасдиқлайди [38; 71-72-б.].

Шу билан бирга, билимларни ўзлаштириш учун етарлича вақт кераклиги тўғрисидаги фикр ҳам жуда қимматли бўлиб, ҳозирда барча фанларни чуқур ўзлаштириш учун ўқувчига вақт етишмаслиги маълум. Бунда энг зарури, ўрта ва юқори синфларда ўқув фанларини мустақил фикрлаш ва кундалик ҳаётида қўллай олиш, фойдали қиймат яратади олиш асосида чуқур ўзлаштириш учун ўқувчига вақт етишмайди.

Шунингдек, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий [137] ва бошқа иирик мутафаккирлар ҳам таълим-тарбия ҳақидаги масалаларни ҳал қилишда асосий эътиборни ўқувчи, шогирд, муриднинг тадбиркорлик билан бажариши талаб қилинадиган шартларга қаратганлар.

Ушбу талаб ҳозирги энг сўнгги хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизmlарида янги кашф қилинган қоида сифатида қаралмоқда. Бунга ўқувчи тадбиркорлик билан бажариши талаб қилинадиган ўқув фаолиятининг аниқ алгоритмларини яратиш ва қўллаш ғояларига асосланган замонавий механизmlарни далил қилиб қўрсатиш мумкин. Буларга таълимнинг жамоа тизими, қобилиятлар даражасида таълим беришнинг демократик тизими ва бошқалар мисол бўла олади [37; 51-55-б.].

Шунингдек, таълим ва тарбия олувчининг тадбиркорлик фаолиятига асосий аҳамият берган қадимги механизmlаридан бири – сўфиийликда қўлланилган таълим-тарбия тизими хисобланади. Бунда шогирднинг ўзи ўзлаштирган билимларни бошқаларга ўргатиш билан шуғулланишини кўзда тутувчи тамойилга риоя қилинганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Бунда шогирднинг таълим олишга бўлган истагининг қанчалик жиддийлигини ҳамда таълим олиш, уни амалиётда қўллай олиш, жамият учун фойдали қиймат яратади олиш йўлидаги қийинчиликларга чидаш ва уларни енгиб ўтишга тайёрлиги даражасини қаттиқ, кўпинча кутилмаган кескин синовлардан ўтказилган.



### **2.1.2-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминоти**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминоти баҳолаш, назорат, ўқув мотивлари, топшириклари ва ҳаракатларини ўз ичига олади (2.1.2-расм). Фикримизча, ўқув фаолиятида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминоти мустақил фикрлашнинг [64], жамиятда ўз ўрнини топишининг, тадбиркорлик билан иш юритишининг муҳим шарти ҳисобланиб, фикрнинг мустақиллиги ва танқидийлигини таъминлайди.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизmlари ёрдамида таълим сифатини ошириш ғояси ҳозирда ҳам долзарб масалалардан эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Республикамизнинг барча таълим жабҳаларида бўлганидек, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминоти ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга оид амалий

усулларидан тадбиркорлик соҳасида ҳам татбиқ қилиш устида ижобий ишлар қилинган [32; 80-81-б.]. Бир неча тадқиқотлар шуни кўрсатадики:

-тадбиркорлик ва ижодкорлик қобилиятларни ривожлантириш учун устоз-шогирд тизимида ўқувчилар билан индивидуал ишлашга кўпроқ ургу берилади;

-хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларининг аҳамияти аввал ўзлаштирган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларининг юзага келиши билан белгиланади;

-хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларининг таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ қилиниши таълим мазмунини бойитишга, уни такомиллаштиришга ва муаммоларини ечишга қаратилган;

-хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёнида шахс фаолиятининг самарали бўлишига ва фойдали қиймат олишга йўналтиради;

-ўзининг эришган ютуғидан қониқиши ҳосил қиласди.

Педагогик фаолиятда босқичма-босқичлигини назарда тутадиган тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш механизми бўлажак мутахассисни ҳаётий, ўқув фаолиятини мустақил қура оладиган, унга тузатишлар кирита оладиган фаол, ижодкор, тадбиркор шахсни шакллантиришга қаратадиган замонавий инновацияларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқиши жараёни ҳисобланади [69; 122-125-б.].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёнида машғулот мавзусига доир ўқувчилар билимларини мустаҳкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида инновацион таълим технологиялар (лойиха), интерфаол методлардан унумли фойдаланиш [48; 153-155-б.] мумкин.


Бугунги кунда тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш механизми таълимнинг янги мазмуни ва тадбиркор шахс ривожланишига

мувофиқ билимларни берадиган асосий восита ҳисобланади. Бу восита ўқувчиларда тадбиркорлик сифатларини ривожлантиради.

Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга оид амалий усуллардан ҳамкорликдаги фаолиятга тайёргарлик, тадбиркорлик сифатларини қарор топиши, мустақил тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга тайёргарлигининг барқарорлигини ҳисобга олиб қуидаги эдукологик имкониятларини келтиришимиз мумкин [32; 80-81-б.]:

1. хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш педагог ва ўқувчи мулоқотини яхшилашда ижодий натижага эришиш учун қулай ҳамда кенг имкониятларга эга;
2. хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми таълимда кўргазмали, амалий тушунтириш ҳамда репродуктив усулларини қўллашнинг янги сифатли даражага қўтарилишини таъминлайди;
3. педагог маслаҳати билан ўқувчиларда тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш орқали иқтисодий, тадбиркорлик, тарбия фанларини самарали ўзлаштиришларига имкон яратилади;
4. хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмлари кўргазмалиликни оширади, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиради;
5. хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ишбилармонлик, уддабуронлик билан ахборотлар излаш, топиш, танлаш ва олинган маълумотни жамлаш каби мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради;
6. хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларидан фойдаланиш ўқувчини ўз билими ва имкониятларини объектив баҳолашга имкон беради;
7. машғулотларда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларини қўллаш ўқувчиларнинг умумтаълим фанларига қизиқишилари ва таълим сифатининг ошишига олиб келади.

Шундай қилиб хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминоти машғулотларда ва дарсдан ташқари вақтларда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларидан фойдаланишда ижодкорликни ривожлантиради, психологик-педагогик билимлар асосида ўқув-тарбия фаолиятини тўғри ташкиллаштиришга имкон яратади.



Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни фаол ижодий, яратувчанлик, ишбилармонлик фаолиятига йўналтиришга сабаб бўлади



Ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантиради ва ўқув жараёнини фаолаштиради

### **2.1.3-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминотини такомиллаштириш**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминотини такомиллаштириш ўқув жараёнида ўқувчиларни ижодкорликка йўналтириб, дарс машғулотларида фаол бўлишга ундейди ҳамда олинган билимларни ҳаётӣ тажрибалар [67; 66-б.] билан мустаҳкамлаб боришини кафолатлади (2.1.3-расм).

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларидаги ўқитиши усуллари анъанавий ўқитиши усулларидан фарқ қиласади (2.1.4-расмга қаранг).

## **Анъанавий механизм**

## **Тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизми**

- |  |   |
|--|---|
| <input type="checkbox"/> Мавжуд фан доирасида        | <input type="checkbox"/> Фанлараро интеграция |
| <input type="checkbox"/> Индивидуаллик               | <input type="checkbox"/> Ижтимоийлашув        |
| <input type="checkbox"/> Қоидаларга асосланган мұхит | <input type="checkbox"/> Интерактив мұхит     |
| <input type="checkbox"/> Ўқитувчи фаол               | <input type="checkbox"/> Ўқувчи фаол          |
| <input type="checkbox"/> Назарий                     | <input type="checkbox"/> Амалий               |

### **2.1.4-расм. Анъанавий ва тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларининг қиёсий таҳлили**

Анъанавий ўқитиши усулида стандартлаштирилган, мазмунга йўналтирилган, пассив ва битта фанга асосланган ўқув режасидан фойдаланилса, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларида индивидуаллаштирилган, фаол, жараёнга асосланган, лойиҳалаштирилган, ҳамкорликдаги, тажрибали ва кўп тармоқли ёндашувларга урғу берилади. Аммо ушбу мунозараларнинг аксарияти анъанавий ва ноанъанавий ўқитиши, позитивизм ва интерпретивизм фалсафаси ўртасидаги асрлик мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бир нечта тадқиқотчилар тадбиркорлик таълими ва конструктив таълим ўртасидаги қисман ўхшашиклар мавжудлигини таъкидлайдилар. Тадбиркорлик таълимига ўхшаш бошқа педагогик ёндашувлар ва ҳаракатлар экспериментал таълим, доимий ўқиш, сервис бўйича ўқитиши, муаммоли, лойиҳага асосланган ўқитиши, катта ёшдагиларни ўқитиши, когнитив шогирдлик ва ижтимоий конструктив таълим кабилардир [16; 550-566-б.].

Рақобатлашадиган позициялардаги курашда бир асрдан кўпроқ вақт давомида анъанавий таълим амалда устувор бўлиб келган. Сўнгги пайтларда

таълим соҳасида тадбиркорликка оид амалий қўнималарни шакллантиришга давлатлар томонидан сиёсий даражада эътибор кучайиб бормоқда.

Кўпинча хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми муаммоли вазият, лойиҳалаштириш ва хизмат кўрсатишга ўқитиш каби педагогик механизmlарга ўхшашлигини даъво қилувчи педагогик ёндашувлар мавжуд. Лойиҳавий ўқитиш механизмида ўқувчиларга муаммони ҳал қилишда ҳисобот, модел, видео кабилардан фойдаланишга имкон берилган [116]. Муаммоли ўқитиш механизмида муаммолар муҳокама қилинади, бироқ унинг ечимлари муҳокама қилинмайди. Сервис бўйича ўқитиш механизмига жамоат жойларидаги боғларни тозалаш, қарияларни зиёрат қилиш ва муҳтоҷ одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш сингари синфдан ташқари дарс машғулотлари назарда тутилади ҳамда ундан чорак ва семестр якунида фойдаланиш кўпроқ самарали бўлиши таъкидланган.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмининг баъзи ўзига хос хусусиятлари шундаки, нафақат муаммоларни ўрганиш, балки ташқи дунё билан ҳамкорликда ўқитиш тадқиқ қилинади ва дикқатни жалб қилиш, яратилган қийматнинг янгилиги ёки инновативлиги, мавжуд имкониятларни ўрганишга ҳам эътибор қаратилади.

Жамиятда янги ва инновацион қадриятларни яратиш фаолиятида барча фуқароларни тадбиркорлик билимлари орқали тадбиркорлик қўнималариiga эга бўлишлари ҳаётий стратегияга айланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу мақсадга эришиш учун хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмига лойиҳа асосида ўқитиш, хизмат кўрсатишни ўрганиш, муаммоли ўқитиш каби илғор педагогик механизmlар сифатида [39; 308-309-б.] ёндашиш лозим. Баҳолаш стратегияларини ўқитувчилар кундалик амалиётда қўллашлари мумкин. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг дидактик таъминоти бўйича педагогик ёндашувлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар мавжуд (2.1.1-жадвалга қаранг).

Тадқиқотчилар ва мутахассислар томонидан тадбиркорлик таълимини тарғиб қилишининг энг кенг тарқалганлигининг сабаби шундаки, тадбиркорлик иқтисодий ўсиш ва янги иш ўринларини яратиш учун асосий восита сифатида қаралади. Глобаллашув жараёнида ишбилармонлик таълими барча соҳаларга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

### **2.1.1-жадвал**

#### **Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминоти бўйича педагогик ёндашувлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар**

<b>Тадбиркорлик таълими механизмларида асосий эътибор ...</b>	<b>Тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши</b>	<b>Муаммоли</b>	<b>Лойиҳага асосланган</b>	<b>Сервис бўйича</b>
... муаммолар	X	X	X	X
... имкониятлар	X	X	X	X
... ҳақиқийлиги	X	X	X	X
... ижодкорлик	X	X	X	X
... ўзаро муносабатлардаги тажриба	X	X	X	X
... ҳаётӣ ҳаракатлар	X			X
... ташқи манфаатдор томонлар учун қиймат яратиш	X			X
... жамоада ишлаш	X	X	X	
... узоқ вақт давомида ишлаш	X	X	X	X
... янгилик / инновативлик	X		X	X
... муваффақиятсизлик	X			

Иқтисодий муваффақият ва иш ўринларини яратишга кучли эътибор бериш ҳақиқатан ҳам тадбиркорликка оид маълумотларни барча даражадаги барча таълим олувчилар учун интеграциялашган педагогик ёндашув сифатида эмас, балки олий маълумот даражасида муҳим мавқега кўтаришга олиб келди. Ҳозирга қадар бир неча тадбиркорлик иштиёқига эга бўлган ўрта маълумотли ва университет талабалари учун ўз-ўзини иш билан банд қилишда тадбиркорлик курслари ва дастурларига асосий эътибор қаратилди.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминоти ўкувчиларда тадбиркорлик қўнималарини шакллантиришга оид

амалий усуллардан ҳамкорликдаги фаолиятга тайёргарлик, тадбиркорлик сифатларини қарор топиши, мустақил тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга тайёргарлигининг барқарорлигини ҳисобга олиш ўқувчиларда тадбиркорлик фаолиятига қизиқишлигини оширишга ва тадбиркорликка доир саводхонлигини оширишга хизмат қиласи [51].

Таълим оловчиларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқиши бошланғич нуқта ҳисобланиб, ёшларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларини ўқув дастурларига киритиш орқали таълим оловчиларни ўзлаштиришиларини рафбатлантириш ва таълимни мазмунли тарзда амалий ишларга назарий билимларни жалб қилиши, шунингдек, турли ташкилотлар ўзларининг молиявий манбалари билан шу каби ишларда иштирок этишларини таъминлаш мумкин.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмлари таълимда кўргазмалик, амалий тушунтириш ҳамда репродуктив усулларини қўллашнинг янги сифатли даражага кўтарилишини таъминлайди, таълим шакли, ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қиласи, мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради.

## **2.2-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш модели**

Тадбиркорлик - тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш орқали атроф-мухит билан ўзаро муносабатда бўлиш билан содир бўладиган ўзгаришлар, шунингдек, тадбиркорлик қадриятларининг шаклланишидир. Бундай ёндашув тадбиркорликнинг бошқа кўплаб таърифларига қараганда таълим муассасаларининг ўқув мақсадларига мос келади. Машхур маърифат файласуфи Жон Дюининг “амалий бажариб ўрганиш” деган тушунчасидан келиб чиқиб, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш

механизмларини такомиллаштиришда “Қийматлар яратиш орқали ўрганиш” ёндашувидан [115; 18-б.] фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ўқитувчиларнинг ўқувчиларига мос келадиган таълим услуби ва ривожланиш стратегиясини тез аниқлаш, турли хил педагогик воситалар, усулларни таснифлаш, мавжуд манбалар ва бошқа ёрдамчи материаллардан фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот иши мазмун ва моҳиятини ўзида акс эттирган модел мақсадга йўналтирилган, мазмунли-технологик, ташкилий-фаолиятли ва натижавий компонентларни ўз ичига қамраб олди (2.2.1-расм).

Мақсадга йўналтирилган блокда асосий мақсад хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмлари асосида ўқувчиларда тадбиркорлик компетенциясини ривожлантиришдан иборат тарзда белгиланди. Вазифалар сифатида ўзаро ҳамкорлик, ўқувчиларда билим ва қўникмага асосланган ташаббускорлик, ижодкорлик, қиймат яратишида жамоага асосланиш, уддабуронликни самарали таркиб топтириш аниқлаштирилди.


Мазмунли-технологик блок 9-,11-синфларда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида қиймат яратишига асосланган механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда педагоглар учун “эфективлик концепцияси” таълим механизми доирасида бизнес модел, старт-ап, хизмат кўрсатиш, дизайн фикрлаш каби технологик асосларини ўзида ифода этди. Ташкилий-фаолиятли блокда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш асосида ўқувчиларда компетентлик, креативлик, конформизм, фикрлаш конструктивлиги, колективизм, жавобгарлик, экспертизага муносабатларни шакллантирувчи интеграцион эвристик усуллар ишлаб чиқилди.

**Ижтимоий буюртма:** хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик асосларини такомиллаштириш

**МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КОМПОНЕНТ**

**2.2.1-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши  
модели**

Ўқувчиларда тадбиркорлик компетенцияларини ривожлантириш мезонлари сифатида қуидагилар аниқлаштирилди: конструктив, декларатив, метакогнитив, инноватив. Мазкур мезонлар тавсифига мувофик, билим, кўникма, малака даражалари белгиланди.



## 2.2.2-расм. Қиймат яратишнинг анъанавий ва ноанъанавий жараёнлари

Қиймат яратишнинг иккита асосий тоифаси мавжуд, улар қиймат яратишида анъанавий ва ноанъанавий жараёнлардир.

Қиймат яратишнинг анъанавий жараёни операцион ваколатларга асосланиб, жараённи бошқариш, оптималлаштириш босқичма-босқич такомиллаштирилади. Қиймат яратишнинг ноанъанавий жараёни тадбиркорлик қобилиятига асосланади (2.2.2-расм). Қиймат яратишнинг ушбу икки шакли ўртасидаги мувозанатга эришиш қийин жараён бўлиб, қиймат яратиш анъанавий жараёни кўпинча қисқа муддатли муваффақият билан ифодаланади ҳамда операцион компетенцияларни ривожлантирилишини таъминлайди. Ўқувчиларда тадбиркорлик қобиятларини таркиб топтириш, уларда ижодкорлик, изланувчанлик, янги қийматларни яратувчанлик

қўникмаларини шакллантириш қиймат яратишнинг ноанъанавий жараёнини узоқ муддатлилигини кафолатлайди [49]. Ушбу жараёнда тадбиркорлик компетенциясига таъсир этувчи омиллар 2.2.3-расмда келтирилган.



### 2.2.3-расм. Тадбиркорлик компетенциясига таъсир этувчи омиллар

Дания тадбиркорлик жамғармаси ташкилоти таърифига кўра, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши - бу янги қийматни яратища имконият ва ғояларга асосланиб, ўқувчиларда тадбиркорлик қадриятларини шакллантиришга мўлжалланган ўкув жараёнидир [111].

Яратилган қиймат молиявий, маданий ёки ижтимоий бўлиши мумкин. Ушбу таърифда янги қийматни яратиш тушунчаси, яъни яратилган қиймат ташаббус ва зарур бўлган ресурсларни ўз ичига олади. Қиймат яратиш жараёни жараён ташаббускори томонидан бошқарилади ва ушбу ташаббусчи муваффақиятсизлик хавфини ўз зиммасига олади [54]. Қиймат яратиш жамиятда нафақат пул топиш, балки инсонларни ҳаётдан қониқиши ҳиссини уйғотища ҳам қўлланилади (2.2.1-жадвал).

## 2.2.1-жадвал

**Қиймат яратишига мисоллар. Жамиятдаги турли хил манфаатдор томонлар бошқалар учун қийматни қандай яратиши**

<b>Манфаатдор тараф</b>	<b>Фойдаланувчи тараф</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	<b>Қиймат тури</b>	<b>Қиймат яратиш</b>
Бизнес ташкилот	Мижозлар, ходимлар ва акциядорлар	Тижорат хизматлари ва маҳсулотларини таклиф қилиш орқали	Молиявий қиймати	Анъанавий
Ижтимоий соҳа хизматчилари	Давлат фуқаролари	Ижтимоий хизматларни таклиф қилиш орқали	Молиявий, ижтимоий ва маданий қиймат	Анъанавий
Оила аъзоси	Оиланинг бошқа аъзолари	Ҳар доим оиласи билан бирга бўлиш орқали	Ижтимоий қиймат	Анъанавий
Уй ҳайвони	Оила аъзолари	Ҳар доим хонадонда бўлиш орқали	Ижтимоий қиймат	Анъанавий
Санъаткор	Бошқа шахслар	Кўнгил очиш, янги фикрларни уйғотиш орқали	Маданий қиймат	Анъанавий, ноанъанавий
Таълим олувчи	Бўлажак иш берувчилар, оила / жамият	Иш билан таъминланишда маълумот, тажриба орқали	Молиявий, ижтимоий ва маданий қиймат	Анъанавий
Педагог	Ўқувчи	Ўқувчиларга фанларни ўзлаштиришга кўмаклашиш орқали	Ижтимоий, маданий қиймат	Анъанавий

Тадбиркорлик компетенциялари қатъиятлилик, ўз-ўзини бошқариш ва ижтимоий қўнималарни шакллантириш каби "номутаносиб омиллар"га боғлиқ. Бу ўқув дастурларининг кенгайишини ва ўқитувчиларнинг қасбий малакасини оширишни тақозо қиласди.

Тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши таълим соҳасида кенг жорий этилиши ўсиб келаётган таълим олувчиларнинг янги иш жойлари ва компаниялар яратишига имконият яратиб, жамиятда тадбиркорликнинг ижтимоий қадриятлари шаклланишига олиб келади.

## 2.2.2-жадвал

## Тадбиркорлик компетенцияси


	<b>БКМ</b>	<b>Кутилаётган натижа</b>
<b>Билим</b>	<b>Ақлий</b>	Ресурсларсиз, ишни қандай бажариш кераклиги, хавф ва эхтимоллук
	<b>Декларатив билим</b>	Қиймат яратиш, ғояларни шакллантириш, имкониятлар, бухгалтерия ҳисоби, молия, технология, маркетинг, таваккалчилик, расмий мулоқот
	<b>Үз-үзини англаш</b>	Тадбиркорлик қилиш ва тадбиркор бўлиш билан шахсий уйғунликни билиш.
<b>Кўникма</b>	<b>Маркетинг қобилият</b>	Бозорни баҳолаш, маркетинг маҳсулотлари ва хизматлари, ишонтириш, мижозлар билан муомала қилиш, узоқни кўра олиш.
	<b>Ресурс кўникма</b>	Бизнес-режа тузиш, молиявий режа тузиш, молиялаштириш, манбаларга киришни таъминлаш
	<b>Имконият излаш кўникмаси</b>	Бизнес имкониятларини ва бошқа имкониятларни тан олиш ва уларга амал қилиш, маҳсулот, хизмат концепцияни ишлаб чиқиш
	<b>Шахслараро кўникма</b>	Етакчилик, бошқаларни рағбатлантириш, одамларни бошқариш, тинглаш, низони ҳал қилиш, ижтимоийлашув
	<b>Ўрганиш қобилият</b>	Фаол ўрганиш, янги вазиятларга мослашиш, ноаниқликни енгиш
	<b>Стратегик кўникма</b>	Устуворликларни белгилаш (мақсадларни белгилаш) ва мақсадларга эътибор қаратиш, стратегияни ишлаб чиқиш, стратегик шерикларни аниқлаш
<b>Малака</b>	<b>Тадбиркорлик иштиёқи</b>	"Мен хоҳлайман". Муваффақиятга эришиш.
	<b>Ўз-ўзини боқариш</b>	"Қўлимдан келади". Муайян вазифаларни муваффақиятли бажариш қобилиятига ишониш.
	<b>Тадбиркорлик идентификацияси</b>	"Мен ва мен қадрлайман". Чукур эътиқодлар, ролнинг ўзига хослиги, қадриятлари.
	<b>Фаоллик</b>	"Мен қиласман". Ҳаракат йўналтирилган, ташаббускор, фаол.
	<b>Ноаниқликка чидамлилиги</b>	"Мен журъат этаман". Аниқлик ва ноаниқлик билан қулай, мослашувчан, кутилмаган ҳодисалар учун очик.
	<b>Инновативлик</b>	"Мен яратаман". Ноанъанавий, инновацион, тасаввур, ижодий фикрлар, баъзан қоидаларга бўйсунмаслик.
	<b>Қаттиққўллик</b>	"Мен енгаман". Ноқулай вазиятларни енгиш қобилияти.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми таълим олувчиларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга туртки беради ва бу онгли равишда режалаштирилган хатти-ҳаракатларга асосланади. Психологияда "Режалаштирилган ҳаракатлар назарияси" муносабат, мақсад ва

хатти-харакатлар үртасидаги боғлиқлиқда қўлланилади [77; 28-30-б.]. Агар хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизми таълим олувчиларни тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабатига ижобий таъсир кўрсатса, у муваффақиятли тадбиркорлик таълими ҳисобланади.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик механизмининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолашнинг кенг тарқалган стратегияси – таълим муассасаси битиравчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан юқори кўрсаткичларга эришишидир, бу тизимнинг самарадорлигини баҳолаш умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг аралаш усулларни [117], яъни миқдорий ва сифатий усулларни қўллашидадир.

Аксарият хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг асосий мақсади тадбиркорликка оид компетенциянинг яъни янги қиймат яратища тадбиркорлик фаолиятига таъсир қиласиган билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришдир (2.2.2-жадвал).



#### **2.2.4-расм. “Business box” (бизнес қути) модели**

Ўқитувчи ва таълим олувчиларга йўналтирилган фикр алмашиш жараёни сифатида белгиланади, у ўқувчиларда мотивация уйғотади ва ўз навбатида тадбиркорлик компетенцияларини ривожлантиришда қўлланилади. Тадбиркорлик компетенциясини баҳолашда ривожланиш модели ҳисобланган “business box (бизнес қути)да [110; 278-283-б.] ўқувчиларда тадбиркорлик


қўникмаларини ривожлантириш тамойиллари тўғрисида тушунчаларни очиб бериш назарда тутилади (2.2.4-расм).

Бленкер ва бошқалар томонидан илгари сурилган ривожланиш модели иккита марказий ғояга таянади. Биринчи ғоя шундан иборатки, тадбиркорлик фаолияти нафақат иқтисодий қиймат, балки қийматнинг қўп маъноли турларини яратишга асос бўлади. Иккинчи ғоя - бу тадбиркорликни “кундалик амалиёти” деб атайдиган, ҳаётни барча жабҳаларида қўллаш мумкин бўлган қиймат яратадиган тадбиркорлик тафаккури ва умумий методологиянинг мавжудлигидир [106; 51-62-б.].

Тадбиркорлик муносабатларини ривожлантириш моделида ўқитувчилар учун хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг тадбиркорликка доир мантиқий, креатив ва танқидий фикрлашга ўргатишга доир вазиятли-таҳлилий интерфаол топшириқларни оптимал қўллашда қўйидаги амалий тавсиялар талқин қилинади:

- 1) ўқувчиларга тадбиркорлик ҳақидаги ҳикояларни ўзларининг ҳаёт дунёларига боғлашларига имкон бериш уларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради;
- 2) ўқувчиларга ўзларининг ҳаётидаги муаммолар ва номутаносибликлар тўғрисида фикр юритишларига имкон бериш, уларга кундалик қадриятларни яратиш қўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради;
- 3) ўқувчиларни узоқ келажакда ўзларини тадбиркор шахс сифатида тасаввур қилишларига имкон бериш, уларда янада тадбиркорликка мотивация уйғотишга ёрдам беради;
- 4) ўқувчиларга тадбиркорлик имкониятларини акс эттирувчи фанлараро гурухларда ишлашга имкон бериш уларга жамоавий самарали иш шаклларини ишлаб чиқишишга ёрдам беради.

Мақсад	1-босқич	2-босқич	3-босқич
Тадбиркорлик компетенциясини ривожлантириш	тадбиркорликка оид қўникмаларни шакллантириш	тадбиркорликка оид қўникмаларни шакллантириш ва тадбиркорлик	тадбиркорликка оид амалий қўникмаларни шакллантириш, тадбиркорлик,



## 2.2.5-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши йўл харитаси


Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик механизми йўл харитаси уч босқичда амалга оширилади (2.2.5-расм).

Биринчи босқичда, бошланғич синф ўқувчиларига ижтимоий муаммоларни ва кундалик муаммоларни ўз қизиқишилари ва ғояларига асосланган ҳолда, хусусий тадбиркорлик мавзусига эмас, балки мактабнинг асосий мавзуларига интеграциялашган ҳолда ечишга киришадиган ёндашув тавсия этилади. Бу ижодкорлик, иштиёқ ва ўзини ўзи бошқариш самарадорлигини, шунингдек, ноаниқлик ва ноаниқликни келтириб чиқарадиган салбий тажриба бўлиши мумкин. Бу ерда ўқувчилар ўқитувчиларга, тенгдошлирага ўз тажрибалари ҳақида айтиб беришлари мумкин.

Ўрта мактаб каби таълимнинг иккинчи босқичида кўпчилик ўқувчилар ўрнатилган ёндашувни давом эттириш билан бир қаторда, ўқув дастурлари бўйича билимларга кўпроқ эътибор қаратган ҳолда ўқитилади. Бу босқичда ўқувчилар фаол танловни амалга оширадилар, ишбилармонлик кўникмалари

касбий ривожлантиришга йўналтирилади. Ўқувчиларда қатъиятлилик ва муваффақиятсизликка конструктив муносабат шаклланади ҳамда ривожлантирилади.


Учинчи босқичда ўрнатилган ёндашув янада маҳоратга асосланган бўлиб, ўқувчиларда тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари тўғрисида фикр юритишга имкон берадиган аниқ тадбиркорлик назарияси яратилади. Бу баъзи бир ўқувчиларда тадбиркорлик эҳтиросини ва эҳтимол ҳатто тадбиркорлик сифатларини ривожлантиришга имкон беради. Ўқув дастурининг расмий қисми сифатида яратилган қиймат шунчалик аҳамиятли бўлиши мумкинки, баъзан бу ўқув муассасасидан ташқаридаги ҳамкорликдаги шериклар учун иқтисодий ўсишга олиб келади. Ўрнатилган ёндашувнинг якуний натижасига кўра, жамиятнинг барча соҳаларида ва кундалик ҳаётда янги турдаги қийматларни яратадиган тадбиркорлар етишиб чиқади.



## **2.2.6-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатлари**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида ўқитувчи – педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги бўйича маълумотга эга, касбий тайёргарлик ва юксак ахлоқий фазилатларга бой шахс сифатида

қаралади [30; 53-54-б.]. Умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг тадбиркорликка оид касбий компетентлик сифатлари 2.2.6-расмда келтирилган.



### 2.2.7-расм. Тадбиркорликка оид касбий компетентлик

Замонавий ўқитувчи хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни амалий компонентини [42] қандай ташкил этиши зарур?

- таълим муассасаларида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш мазмунига мос равишда педагогик тизимни лойиҳалай олиши;
- хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларини ривожлантириш истиқболларини очиб беришга қаратилган илмий изланишларни мунтазам амалга ошира олиши;
- хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш таълимтарбиявий фаолиятида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида педагогика ва психология соҳасида эришилаётган илғор тажрибаларни амалда модернизация қилган ҳолда қўллаши;
- дарснинг барча турларида, машғулотларда замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш методларидан фойданиши;
- ўқитадиган фан туркуми бўйича автоматлаштирилган таълим тизими учун амалий дастурлар пакетини яратиши лозим.
- хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда ўқитувчи касбий фаолиятидаги жонли мулоқот қобилиятини такомиллаштириш [41]

учун ўз олдига доимо қўйидаги саволларни қўйиб, унга мустақил фикр-мулоҳазаси асосида жавоб бера олиши керак.



ўқувчилар нафақат ўқитилади, уларни мустақил ҳаётга ўргатилади



ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда берилмайди, билимларни асосий манбалардан, интернетлардан мустақил равишда ола билиш, тўплаш, қайта ишлаш ва кундалик фаолиятларида фойдалана олишга ўргатилади



бизнес режа, стратегик дастурлар билан ижодий ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш



тадбиркорлик таълими мазмунини, тадбиркорлик кўникма ва малакаларини шакллантириш



ўқувчиларни ўз фикрини билдира олиш, хикоя қила олиш, исботлашга одатлантириш



барча ўқувчиларнинг ўз қобилият ва имкониятлари даражаларида албатта бандлигини таъминлаш кафолатланади

## 2.2.8-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик механизмларини ўқув жараёнига амалда қўллашнинг асосий хусусиятлари

**Нимани ўргатиш** яъни тадбиркорликка оид касбий компетентлик натижавийликка асосланиши керак (2.2.7-расм):


- ўқувчиларда шахс эркинлигини, тадбиркорлик бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг ўрганилаётган фан бўйича тадбиркорлик қобилиятларини, кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- янги мавзуни фанлараро алоқадорлик ва тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ҳолда тушунтириш;
- дарс жараёнини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларининг қизиқарли методлари асосида ташкил этиш.

**Кимни ўргатиш**, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларини ўқув жараёнига амалда қўллашнинг асосий хусусиятлари назарда тутилади (2.2.8-расм):

- ўқувчиларни тадбиркорлик бўйича билим олиш ва тарбияланиши жараёнида дуч келадиган муаммолар ва қийинчиликларни мустақил бартараф этишга ўргатиш;
- ўқувчиларда тадбиркорлик бўйича мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- келажакда тадбиркорлик фаолияти бўйича иқтидорли ўқувчилар билан якка ҳолда педагогик фаолият олиб бориш.

### **Қандай ўргатиш:**

- ўқитувчи ўз фаолияти давомида тўплаган педагогик тажрибалари асосида компьютер, ахборот ва инновацион технологияларни қўллаган ҳолда тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши;
- юксак педагогик маҳорат билан дарс ва дарсдан ташқари вазиятларда тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараённи миллий мағкура, анъана ва қадриятлар асосида ташкил этиш;
- ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини ошириш мақсадида педагогик таъсир кўрсатишнинг турли усулларидан фойдаланиш;
- дарс жараёнида тадбиркорликка оид компетенциявий ёндашувлардан фойдаланиш.



## **2.2.9-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ташкил этиш босқичлари**

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ташкил этиш ва уни шакллантириш босқичлари мавжуд (2.2.9-расм):

- мавжуд бўлган тизимга айрим янги хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш методлари киритилади;
- хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмларининг тайёр методик тавсиялари аниқ қилиб кўчирилади ва қўлланилади;
- хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишга оид янги гояни амалга ошириш мазмуни, методлари ва шакли тўла ишлаб чиқилади;
- хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз концепциясини ҳамда методикасини ишлаб чиқади.

## **2.2.3-жадвал**

### **Тадбиркорлик таълимида мониторинг жадвали**

I-босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
II-босқич	Тушуниб олиш	Ўзлаштирганини айта билиш (исбот)
III-босқич	Амалиётда қўллай олиш	Қоидалар, қонунларни ўрганиб, ундан фойдалана олиш
IV-босқич	Таҳлил эта олиш	Қиёсий таққослаш, бир-бирига боғлаш

Халқ таълими бошқармалари, бўлимлари қошида доимий ҳаракатдаги “Илфор механизмларни ўқиши-ўрганиш инновацион маҳорат мактабини” ташкил этиш мақсадга мувофиқ [54; 350-351-б.]. Машғулотларда ўзаро тадбиркорлик методлари бўйича тажриба алмаштириш, тренинглар, иммитацион дарслар, хорижий илфор тажрибалар, медиа машғулотларни ўtkазишни тақозо этади. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизмлари асосида ўтказилган машғулотлар натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш мақсадида уни мониторингги олиб борилади (2.2.3-расм).

жадвал). Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида янги кафолатли натижаларни олиш учун мавжуд педагогик тизимни модернизациялаштириш билан таълимнинг субъект ҳолатини амалга оширишга эришамиз.

### **2.3-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмлари**

Хозирги вақтда қатор хорижий мамлакатларда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларида, хусусан, “Ҳамкорликда ўқитиши”, “Лойиха услуби”, “Табақалаштириб ўқитиши”, “Ўқувчи папкаси”, “Ўқитишига индивидуал ва дифференциал ёндашиши” каби усуллардан [18; 52-54-б.] кенг фойдаланилмоқда. Албатта, уларни педагогик амалиётда қўллашда ихтиёрийлик тамоилидан келиб чиқилади. Чунки маъмурий мажбурийлик яхши натижа бермайди. Педагоглар уларни ўз имконияти ва таълим муассасасидаги шарт-шароитидан келиб чиқсан ҳолда танлайди. Таклиф қилинаётган механизмларни анъанавий таълим усуллари билан биргаликда қўллаш мумкин.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик механизмлари таълимнинг тарбиявий хусусиятини кучайтиради, ўқувчиларнинг ақлий, маънавий-ахлоқий, тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятини ривожлантиради. Уларда бир-бирларига ёрдам бериш, ҳамкор бўлиш ва ўзаро мулоқотга кириша олиш фазилатларини шакллантиради. Яъни, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг амалий компонентининг асосий моҳияти тадбиркорликка доир мантиқий, креатив ва танқидий фикрлашга ўргатишга доир вазиятли-таҳлилий интерфаол топшириқларни оптimal қўллаш орқали таълим олувчи шахсини камол топтиришга, фойдали қиймат яратишга йўналтирилган [33; 88-91-б.].

Бутун гурух ўқув материали мазмунини унинг ҳар бир аъзоси ўзлаштиришидан манфаатдор. Чунки натижа унинг ҳар бир аъзосининг кўшган улуси ва гуруҳнинг ўз олдига қўйган масалани ҳамкорликда ечишига боғлиқ.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг амалий компоненти тадбиркорликка доир мантикий, креатив ва танқидий фикрлашга ўргатишга доир вазиятли-таҳлилий интерфаол топшириклари учта тамойилга асосланади [51; 654-656-б.]:

- ўқувчи иши натижаси балл, сертификат, мақтов, маҳсус мукофот ёки тақдирлаш орқали баҳоланади;

- ҳар бир ўқувчи ўз иши учун масъул. У атрофидаги тенгдошларининг ютуқ ёки камчилигини белгилайди. Бу эса ўқувчиларнинг фаолиятини назорат қилиш, ўқув материалини ўзлаштиришлари ва тадбиркорлик сифатларини шакллантириш учун бир-бирларига ёрдам беришни тақозо этади.

- ўқувчининг тўплаган бали ҳар бир бажарилган ишларидан олган баллари сонига боғлиқ. Ўзлаштириш натижаларини аввалгилари билан таққослаш ўқувчи эришган натижаларини баҳолаш имкониятини беради.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда вазиятли-таҳлилий интерфаол топширикларнинг тўрт усули мавжуд бўлиб, умумтаълим мактаблари ёки академик лицей, касб-хунар колледжларидаги таълим жараёнида қўлланиши мумкин: кичик гурух жамоасида, ўйин, турнир шаклида, тадбиркорликка оид амалий қўнималарни шакллантиришда аниқ фанларга боғлаш, тадбиркорликка оид амалий қўнималарни шакллантиришда ижодий иншолар ёзиш [52; 77-79-б.].

Масалан, кичик гуруҳларда тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни ташкил қилишда гурух 4 киши (билими ҳар хил даражадаги ўқувчилардан) иборат бўлади. Бунда ўқитувчи янги мавзуни тушунтиради. Кейин ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, уларга мавзуни мустаҳкамлаш бўйича турли хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишга оид топшириклар

беради. Бунда топшириқ айрим қисмларга бўлиниб, ҳар бир ўқувчи ўзига тегишли қисмини ўрганиши ёки уларни бирин-кетин алмашиб бажариши мумкин.

Топшириқни бажаришни гуруҳдаги билимдон ёки сустроқ ўзлаштирувчи ўқувчи талаба бошлайди. Аммо ҳар бир топшириқ ошкора бажарилиши, овоз чиқариб тушунтирилиши ва иш жараёни бутун гуруҳ томонидан назорат қилиниши лозим.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида вазиятли-таҳлилий интерфаол топшириқларнинг яна бир кўриниши команда ўйин фаолиятидир [114]. Бунда ўқитувчи янги мавзуни тушунтиради ва ўқувчилар фаолиятини ўкув материалини гуруҳ бўлиб ўзлаштиришда тадбиркорлик сифатларини шакллантиришга йўналтиради.

Аммо ўзлаштириш натижаларини баҳолаш учун жамоалар ўртасида кундалик ҳаётда фойдали қиймат яратиш бўйича ҳафталик мусобақалар ташкил этилади. Бунинг учун уч ўқувчидан иборат “Мустақил мусобақа столлари” ташкил қилиниб, унда ёши, билими тенг бўлган ўқувчилар иштирок этади. Бундай тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизmlарини математика ва табиий фанларга боғлаб ўрганишда яхши натижа беради.

Топшириклар табақалаштирилиб, мураккаблик даражасига қараб берилади. Ҳар бир “стол” ғолиби ўз жамоасига бир хил миқдорда баллар келтиради. Бунда суст ўзлаштирувчилар ҳам тенгдошлари билан мусобақалашиб, ўз жамоасига рағбат келтиради. Мусобақада энг кўп балл тўплаган тадбиркор жамоа ғолиб ҳисобланади ва меҳнатига мувофиқ ҳолда тақдирланади.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг тадбиркорликка доир мантиқий, креатив ва танқидий фикрлашга ўргатишга доир вазиятли-таҳлилий интерфаол топшириқларнинг яна бир тури – бу синфда индивидуал [50; 75-77-б.] ишлаш. Бунда ўқувчилар аввал ўзлаштирган билимлари натижасига кўра хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб

ўқитиши индивидуал топшириқ олиб, ўз иш мавзуси асосида уни бажаради. Таълимнинг бундай шаклида тадбиркор жамоалар турли хил фаолият (топшириқ) билан шуғулланиши мумкин. Тадбиркор жамоа аъзолари бир-бирларига индивидуал топшириқларни бажаришда ёрдам бериб, йўл қўйган камчиликлари, эришган ютуқлари ёки ўзлаштириш даражаларини маҳсус дафтарга қайд қилиб борадилар. Якуний баҳолаш тестларини ўқувчиларнинг ўzlари (маҳсус баҳоловчи ўқувчи) индивидуал амалга оширади [113]. Ўқитувчи ҳар ҳафта тадбиркор жамоа аъзолари бажарган топшириқларни режа асосида ўрганиб боради. Бунда ўқитувчи тадбиркор жамоаларнинг эришган ютуқларини алоҳида таъкидлаши лозим.

Ўқувчилар мустақил ишлагани учун ўқитувчининг алоҳида гурух ёки ўқувчи билан индивидуал иш олиб бориш имконияти кенгаяди.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларининг юқорида қараб ўтилган шаклларида маълум умумийлик мавжуд. Бу умумийлик мақсад ва вазифаларнинг яқинлиги, ўқувчиларнинг таълим олишдаги тенг имконияти ва индивидуал масъулиятида кўринади. Шу билан бирга тадбиркор жамоада рақобат эмас, балки ҳамкорлик, жамоа аъзоларининг умумий мақсади ва муваффақиятдан манфаатдорлиги, ўзаро ёрдами ғалабани белгиловчи омил эканини алоҳида таъкидлаб ўтиши жоиз. Тадбиркор жамоалардаги имкониятлар суст ўзлаштирувчи ўқувчиларни ҳам яхши билим олишга чорлайди [56].

Энг муҳими, ўқитувчининг таълим жараёнидаги ўрни унинг ўқувчиларнинг мустақил билим олишига, тадбиркорлик, ишбилармонлик кўникумларини шакллантиришга ёрдам бериши билан белгиланади. У ўқувчиларга тайёр билимлар бермайди, балки уларни мустақил ишлаш, ижодий изланиш, ўз шахси ва билимига танқидий баҳо бериш, ахборотларни таҳлил қилиш, улардан кераклисини ажратса олиш, хулоса чиқариш, ўз фикрларини асослай билишга ўргатади [30]. Зоро хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларининг асосий мақсади

ўқувчиларни тадбиркорлик хусусиятларини ва хулқ атворини ривожлантиришга, мустақил таълим олишга йўллашдир.

Юқорида қайд этилганидек, таълим жараёни хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик механизмлари асосида ташкил этиш педагогдан катта маҳорат талаб этади. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик механизмлари ўқитувчидан нафақат ўқувчиларга билим бериш, уларда тадбиркорлик бўйича амалий қўникмаларни шакллантиришни, балки уларнинг касбий ривожланишини белгилайди. Бунга таълим берувчи билан таълим олувчининг бир-бирига ўзаро ишончи, ҳамкорлиги ва жонли мулоқоти орқали эришилади. Таълим олувчининг тадбиркорлик сифатлари шаклланиши педагогнинг иш фаолиятига, унинг жамоа билан ҳамкорлик қила олиш ўқувига ҳам боғлиқ [48].

Педагог таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиши, мулоқот қилишнинг буйруқбозлик усулидан воз кечиб, уни рағбатлантириши, бажарган ишларининг фойдали эканини таъкидлаши зарур. Мақсад ўқувчида аввалдан белгиланган хусусиятларни шакллантириш эмас, балки унинг ўз-ўзини англаши, ўзлигини намоён этиши, ишбилармонлик қўникмаларини шакллантириш учун имкон беришдир.

Анъанавий таълим мажбурликка, ўқитишни қаттиққўллик асосида ташкил этишга асосланган бўлиб, бунда таълим олувчилар деярли мустақил фаолият юритишмайди ва уларнинг ташабbusлари бўғилади. Анъанавий ўқитишда ўқувчининг ўқув фаолияти ижодий характерга эга бўлмайди. Бошқача айтганди, у авторитар педагогикага асосланади [35]. Унда ўқув жараёни ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириши ва қайта тикланишидан иборат.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик механизмларида касбий таълимнинг назарий асослари қуидагилардан иборат [56; 128-129-б.]:

-таълим олувчининг ўқитиши жараёнидаги ўрнини белгилаш ва шахсини ривожлантириш;

-таълим олувчининг тадбиркорлик сифатларини шаклланиши бўйича меъёрий талаблар қўйиш (Давлат таълим стандартлари асосида);

-таълимни ташкил этишда педагогнинг ижодий қобилияти ва маҳоратига таяниш;

-таълим жараёнида ўқувчиларда тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантириш механизmlарини қўллаш.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик механизmlари мазмунини технологиялаштириш асосан ўқув дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва ўқувчи шахсини ривожлантиришни кўзда тутади [39]. Технологиялаштириш ўқувчига ўқув материали мазмунини мустақил танлаш ва ўз-ўзини баҳолашига имконият яратади.


Шуни таъкидлаш жоизки, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик механизmlари асосида ўқитиши самарали ташкил этиш ўқув мақсадларига эришишни кафолатлади. Агар ўқитиши жараёни яхши ташкил этилмаса, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик механизmlари ҳам самара бермайди.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг амалий компоненти тадбиркорликка доир мантиқий фикрлашга ўргатишга доир топшириқларни оптимал қўллашда савол-жавоб усули муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биз қуида бу масала бўйича тўхталиб ўтамиш.



### 2.3.1-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик диагностика

Ушбу усул қадимги юононлар томонидан кенг қўлланилган бўлиб, унинг асосчиси юонон олими Суқрот ҳисобланади. Бу усулнинг моҳияти таълим жараёнида индуктив сабаб оқибат занжиридан фойдаланишга ва бунинг воситасида ўқувчилар билан фаол мулоқотни амалга оширишга асосланади. Кўпинча бу усулни “рефлектив фаол фикрлаш усули” [49; 23-25-б.] деб ҳам аташади ва бунда ўқитувчилар ўқувчиларга сермаҳсул фикрлаш кўникмаларини ортиришга ҳамда бу билан боғлиқ руҳий позитив жараёнларини ривожлантиришга кўмак беришлари кераклиги уқтирилади. Бунда ўқитувчилар ўқувчиларга “фаол конструкционист” бўлиш кўникмаларини сингдирадилар ва улар ўз билимларини ўз кучлари билан барпо қиласидилар. Суқрот усулининг асосий мақсади ва мағзи ўқувчиларга қандай қилиб саволлар беришни ўргатиш, ушбу саволларга тегишли жавоблар топиш, бу саволлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш ва буларнинг асосида теварак атрофдаги дунё ва у билан узвий боғлиқ бўлган ўз гоялари, гипотезалари, назариялари ва қарашларини шакллантиришдир.



### **2.3.2-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда укув мақсадини аниқлаш ва таълим жараёнини лойиҳалаш**

Бу усулда таълим беришда ўқитувчилар “Тадбиркорлик ўзи нима?”, “Тадбиркорлик малакалари нималардан иборат?”, “Юқори даражадаги тадбиркорлик кўникмалари қандай ташкил этилувчилардан иборат?” – деган саволларга мос бўлган жавоблар топиш орқали хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик механизmlари укув жараёнини тўғри ва самарали уюштириш мумкин [50].

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик диагностикасини (2.3.1-расм) қилишдан мақсад бўлажак педагогларга тадбиркорликка асосланган самарали усулларни танлашга ўргатишидир.

Хуроса шуки, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминотини такомиллаштириш жараёни [55; 207-208-б.] – бу:

- алгоритмик бўлмаган жараён бўлиб, унинг бирор бир қисми олдиндан аниқланиб қўйилмаган;

- жуда мураккаб жараён бўлиб, уни олдиндан башорат қилиш мумкин эмас. Бунда ўқувчи ўз билимлар мажмуаси ва ишбилармонлик тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда бирор-бир конкрет натижага келади;
- кўпинча бир қанча турли хил ечимларга олиб келади ва уларнинг ҳар бири ўз камчилик ва афзалликларига эга бўлади;
- муаммоли вазият ёки ҳолат ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ бирор бир масаланинг кўриниши бўлиб, у “Нимага?” ёки “Нима бўларди, агар...?” деган саволларга жавоб топиш тариқасида қўйилади;
- агарда бирор-бир масала, ҳолат ёки муаммо ўқувчилар орасида табиий қизиқиш туғдирган бўлса, бу ҳам тадбиркорлик сифатларини шакллантиришга асос бўлади.



ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга жалб этилиши



ўқувчиларнинг ўқув жараёнида қўшимча қиймат олиш орқали фанга бўлган қизиқишларини доимийligини таъминланиши



ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши



педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этиш

### **2.3.3-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг педагогик хусусиятлари**

Хозирги кундаги илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий-гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда ўқув мақсадини аниқлаш ва лойиҳалашни [55] тақозо этмоқда (2.3.2-расм).

Ўқувчи шахси, унинг мустақил билиш фаолияти таълим жараёнида ривожланиб бориши туфайли таълим методларини такомиллаштиришга эҳтиёж тугилади. Ушбу жараёнда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик хусусиятларига таянилади (2.3.3-расм).

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш таълим тизимида мазмунан унга тегишли бўлган дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни умумлаштириш жараёнидир [46; 51-53-б.].

Фанларни ўқитишда “Гуруҳлар билан ишлаш”, “Мунозара”, “Муаммоли ўқитиш”, “Ақлий ҳужум” каби методлар [109; 126-128-б.], шунингдек, жадваллар билан ишлаш, мустақил фикрни ифодалайдиган ёзма ишлар, иншолар ёзиш ўқувчиларни тадбиркорлик фаоллигини оширади.

---

Тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни жадаллаштириш принциплари

-кўп марта такрорлаш, мажбурий босқичли назорат, йирик блоклар билан ўрганиш;

---

-тадбиркорликка йўналтирилган ёндашув;

---

-инсонпарварлик (барча болалар иқтидорли);

---

-ўқув вазиятларининг тафовутсизлиги, тузатиш учун истиқболларнинг очиқлиги, муваффақиятнинг ўсиб бориши;

---

-тадбиркорликка йўналтирилган таълим-тарбиянинг узвийлиги

---

## **2.3.4-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни жадаллаштириш принциплари**

Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаоллигини оширувчи ўқитиш методларидан бири “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш” методидир [44; 258-260-б.]. Бунда ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинib ишлайдилар. Ушбу методлар орқали ўқувчиларни ижодий-техник, тадбиркорлик қобилиятини ўстириш, ривожлантириш, уларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш мумкин. Бунинг учун иштирокчиларга, ҳақиқатдан йироқ бўлган таклифларни қабул қиласалар ҳам, ижодий

ёндашишлари учун ёрдам берилади; ҳамма фикр ва таклифлар, улар қанчалик гайриоддий туюлмасин, ёзиб борилади; вақт белгиланади, бир-бирлари билан ишлаб чиқкан таклифларни ўртоқлашади. Бу методларни қўллаш ривожланган давлатларда яхши натижалар берган.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёнида инсонпарварлик тамойилига мос энг илғор замонавий механизmlар, яъни изланиш, ишchan ўйинлар, “Гуруҳли баҳс” каби методлардан [45; 91-93-б.] моҳирлик билан фойдаланиш ўз самарасини беради.

ўкувчиларда мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимлар моҳиятини таҳлил этиш, улар борасида хулоса чиқариш, умумлаштириш ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятига татбиқ этиш кўнкимларини юзага келтириш ва такомиллаштириш

ўкувчиларда тадбиркорликка оид билимларни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёжини қарор топтириш

билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни ҳосил қилиш

ўкувчиларнинг тадбиркорлик фаолигини таъминлаш

ўкувчиларда мустақил тадбиркорлик фаолиятини юритиш кўнкимларини шакллантириш

ўз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш сифатларини шакллантириш

### 2.3.5-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик вазифалари

Ўқув жараёнида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизmlаридан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Россия таълим академиясининг академиги, Донецк университети профессори Виетор Фёдорович Шаталов ўқитишнинг жадаллаштириш механизмини ишлаб чиқди [125; 30-32-б.] ва мактаб амалиётига татбиқ этиб, анъанавий синф дарс тизимининг очилмаган қирраларини кашф этди. Бу механизм принциплари 2.3.4-расмда акс этган.

Давр талаби ўқувчиларни тадбиркорликка оид амалий қўнималарни шакллантириш жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришни тақозо этади. Бу жараёнда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик вазифалари алоҳида аҳамият касб этади (2.3.4-расм).

Тадбиркорлик компетенциясини ривожлантиришга туртки берадиган ўқув машғулотларида ўқитувчилар таълим олувчиларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ташқи манфаатдор томонларга қиймат яратадиган топшириқлар беришлари керак. Бу каби топшириқларда юзага келадиган қийинчилик ва ноаниқлик даражасини камайтириш учун ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ва тенгдошларини ўрганишга имконият яратиш учун жамоавий иш услуби қўлланилиши лозим. Таълим олувчиларга ташқи манфаатдор томонлар билан самарали алоқаларни ўрнатиш учун етарлича вақт, бир неча ой ёки йил берилиши мақсадга мувофиқ [104; 230-232-б.]. Уларга қиймат яратиш жараёнини бошқариш бўйича қатъий тавсиялар берилиши керак. Бундай топшириқда ташқи манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатдаги ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси ўқитувчи томонидан доимий равишда баҳоланиб, қўллаб-куватланиши лозим [26; 31-33-б.].

### Ўқув топшириқлар

- \*Киймат яратиш
- \*Корхона яратиш
- \*Барқарор корхона яратиш

### Фаолият

- \*Ташқи дунё билан боғланиш
- \*Ишончсизлик муҳитида ишлаш
- \*Жамоавий ишлаш муҳити
- \*Намойиш этиш

### Ривожлантирувчи

- \*Самарадорлик
- \*Ноаниқликка бардошлилик
- \*Ўз-ўзини англиш
- \*Тадбиркор шахс
- \*Маркетинг билимлар

## 2.3.6-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологиялари

Тадбиркорлик соҳасида қиймат яратишга ёрдам берадиган бир нечта технологиялар мавжуд бўлиб, улардан хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминотини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ (2.3.5-расм).

### 2.3.1-жадвал

#### **Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши механизмларига мисоллар**

Механизмлар	Қиймат яратиш	Ташки дунё билан ўзаро алоқа	Жамоавий иш	Харакатлар
Эффективлик концепцияси	“Ўзингиз кўриб турган оддий муаммодан бошланг!” Муаммонинг ечимини топиш ёки шунчаки уриниш бўлса ҳам завқли бўлишига ишониш	Бирор кишини янги ўзгаришлар билан таништириш “кимни биласиз”, “нимани биласиз”	“Венчурга қўшилишни ҳоҳловчиларга венчур (беъғараз ёрдам) нималигини айтинг”	“Трумпинг (таваккал) таҳлили - дунёвий ғоялар муваффақиятга олиб келиши мумкин шунчаки кейинги ишни бажариш орқали ”
Бизнес модел	“Бизнес модел қандай қилиб мантикий асосни тавсифлайди, ташкилот яратади, етказиб беради ва қиймат яратади”	“Буюртмачи нима килади?...кўради? ... эшитади? .. ўйлади ва хис этади? ...айтади ва бажаради? Харидорнинг йўқотиши? ... даромади нима?”	Катта аудиториядаги одамлар гурухлари билан мухокамалар қилишни бошлашлари мумкин	Хар қандай фаолият учун бошлангич нуқта мунозара, учрашув ёки семинар бу фикрингизни тавсифлаш учун имкон берадиган тушунча
Старт-ап	“Мижозга йўналтирилган энг кичик ёки энг мураккаб муаммо нима?” Эътиборни муаммоларга эмас, миннатдорчилик билан ҳал қилишни талаоб киласидиган мисолларга қаратиш	Ташқарига чиқиш ва мижозлар билан сұхbatлашиш “Инсонларда сўровнома ўтказиш орқали жамиятни ўзgartирамиз”	“Умид, хаяжон, илҳом каби иборалар жараёнда мухим аҳамиятга эга”	Муаммо ечими хақидаги фаразни синааб кўриш “Сўров билимларни ва тасаввурларни кенгайтиради ҳамда чоралар кўришга ундейди
Сервис	“Иштирок этганлар учун моддий ва номоддий имтиёзларни яратиш”	Таълим олувчилар учун аниқ, касбий, консультатив тажрибалар	“Ўқитувчилар, таълим олувчилар ва биргаликда ишлайдиган жамоа.”	“Фикрлаш ва фаолиятни боғлаш”
Дизайн фикрлаш	Визуал равища тасаввур қилиш ва мавжуд имкониятлар орқали фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш	Фойдаланувчилар хақида кузатув ва суриштирув ишлари	Тенгдошлари билан ҳамкорлик жараёни	“Фикрлаш ва амалий фаолиятни ҳаракатланиш

Психологик тадқиқотлар [76; 22-23-б.] шуни күрсатадыки, ўкув жараёнида қиймат яратишга асосланган ёндашув ўкувчиларни рағбатлантиради ва завқлантиради ҳамда бунда мақсадга йўналтирилган фаолият таълим олувчиларда кучли ишонч, баҳт ва мотивация ҳиссини шакллантиради. Аслида, тадбиркорлик бошқаларга ёрдам бериш, жамиятнинг фаровонлиги учун беғъараз ва фидокорона муносабатни англатади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тарраққиёт ташкилоти (ОЕСД) тадбиркорлик маданиятини "ўрганиш, қизиқувчанлик, ижодкорлик, ташаббускорлик, жамоада ишлаш ва шахсий жавобгарлик" каби фазилатлардан иборат деб таърифлаган. "амалий ўрганиш" (learning-by-doing) [105; 121-146-б.] механизмига ёндашиш таълим олувчининг янги қиймат яратишга бўлган ижодкорлигини оширади. Ушбу амалий ўрганиш доирасида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишга "эфективлик концепцияси" таълим механизмига бизнес модел, старт-ап, сервис, дизайн фикрлаш механизmlарини мисол қилиш мумкин (2.3.1-жадвал).

Эфективлик концепцияси тадбиркорлик таълимининг учинчи ёндашувига (through) асосланиб, хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда фойдаланиш мумкин. Эффективлик- бу қарор қабул қилишнинг фаол жараёни ва янги қийматни яратишга интилаётган фаол мажбурият сифатида тавсифланади, бунда ҳар бир таҳлили "Мен кимман?", "Мен нимани биламан?" ва "Мен кимни биламан?" каби саволларга асосланади ҳамда тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни шакллантиришда инсон потенциалини очиб бериш, ушбу потенциал ўзгаришларни яратиш сифатида кўрилиб, тадбиркорлик ҳаракатларини амалга ошириш, қадриятларини яратиш ва ижодкорлик воситаларидан фойдаланишга эътибор қаратилади [45].

Эфективлик механизмида ўқитувчи тадбиркорлик асослари фани доирасида таълим олувчилар билан ўзаро мулоқотга киришади ҳамда ўкувчилардан муаммоларни қандай аниқлаш, муаммо таъсири доирасидаги

инсонларга қандай ёрдам беришлари ҳақида күпроқ маълумот олишлари мумкин. Жараённи бошлашда улар бирон бир ечим яқинида бўлмаслиги керак, улар фақат муаммога яқинлашиш ва кўпроқ маълумотларни ўрганишларига эътибор қаратишлари керак.

**Бизнес модели.** Бизнес модел тадбиркорлик қадриятларини шакллантиришда қўлланилади ҳамда "Сиз кимга ёрдам берасиз?", "Қандай ёрдам берасиз?", "Сизга ким ёрдам беради? ва "Сиз нима қиласиз?" каби саволларга асосланади. Бунда жамоалар томонидан билдирилган ғоялар муҳокама қилинади ва таълим олувчиларнинг шахс сифатида касбий ривожланишига урғу берилади.

Ушбу механизмда фан ўқитувчиси ўқувчилар томонидан билдирилган мавзуга оид асосий ғоялар ва тушунчаларни умумлаштиради ва баъзи бир маҳсулот ёки хизмат одамлар учун қиймат яратиши ҳақидаги фаразни тезда тасдиқлаш зарурлигини таъкидлайди. Нима бўлиши мумкинлигини режалаштириш ва таҳлил қилишда эмас, балки реал дунё тарафдорлари билан тажриба ўтказиш орқали ҳаракат қилишда ёрдам берадиган истиқболли механизмлардан бири ҳисобланади. Таълим олувчилар ўзларига савол беришлари мумкин: "Биз бугунги кунда бўлажак мижоздан нима сўрашимиз мумкин?", "Қандай қилиб биз ўз тахминларимизни мактабдан ташқаридаги ҳақиқий ҳаётда синаб кўришимиз мумкин?" ва "Қандай қилиб биз тўғри эканлигимизни исботлашимиз мумкин?". Ҳаракатлар қўллаб-қувватланади ва ташқи дунё билан ўзаро алоқада бўлишади, уларга жамоавий ишлаш бўйича ҳеч қандай қатъий маслаҳат берилмайди.

**Старт-ап.** Старт-ап – музокараларда конструктив битимга келиш механизми бўлиб, ташкилий хулқ-атвор соҳасидан келиб чиқади ҳамда муаммога эмас, балки имкониятларга эътибор қаратилиши билан фарқланади. Миннатдорчилик сўрови ҳаракатларни қўзғатувчи ва янги ғояларни яратишида "Эски муаммоларни кўриш учун янгича ёндашиш" сифатида тавсифланган ва "Қандай усуслар илгари муваффақиятли бўлган?", "Яхши ишдан нимани

ўрганишимиз мумкин?", "Қандай қилиб қелажақда яхши нарсаларга эга бўлишимиз мумкин?" ва "Орзуларимизни рўёбга чиқариш учун нима қилишимиз керак?" каби саволларга асосланади. Бунда жамоаларга илҳом, қувонч ва мотивация, ижобий энергия бериш муҳим аҳамиятга эга.

**Хизмат қўрсатиш.** Сервис бўйича ўқитиш жамиятнинг эҳтиёжларини қондирадиган ва ўқув мақсадларини бажарадиган уюшган жамоавий тажрибага таянади, масалан паркларни тозалаш, қарияларни зиёрат қилиш ва муҳтоҷ одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш кабилар. Бу амалиёт ва амалий машғулот кўнгиллилар ўртасидаги ёндашув сифатида тавсифланган. Бу механизм ҳамширалик иши, саводхонликни ўргатиш, информатика, муҳандислик, бизнес каби кўплаб таълим соҳаларида қўлланилган. Хизмат қўрсатиш орқали таълим олувчиларда қизиқиш уйғотади, ташаббускорликни шакллантиради, уларни рағбатлантиради, албатта бу жараёнда жамоат эҳтиёжларига ўқувчининг ўқув эҳтиёжлари мос келиши талаб этилади. Хизмат қўрсатиш усулида вақт, логистика, молиялаштириш ва рағбатлантириш каби муаммолар мавжуд.

**Дизайн фикрлаш.** Дизайн артифактларни яратиш механизми бўлиб, бу мантикий фикрлаш, тасаввур қилиш ва маъно яратишни англатади. Дизайн фикрлаш муаммоларни ҳал қиласиган ва одамларнинг ҳаётини яхшилайдиган маҳсулотлар, хизматлар, муҳит ва тизимларни ишлаб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар ва қарорлар жараёнидир, яъни табиатан қиймат яратиш ҳаракатларига асосланган ёндашув сифатида таърифланади. Дизайн фикрлаш уч босқичли жараён сифатида талқин этилади:

- 1) Кузатув - дунёвий тажрибалардан илҳомланиб, муаммолар ва имкониятларни синчковлик билан кўриб чиқиш.
- 2) Ақлий ҳужум - одамларга ёрдам берадиган тушунчалар, ғоялар атрофида фикр юритиш.
- 3) Тажриба-синов – прототиплар (дастлабки модел) орқали фойдаланувчиларда ушбу ғояларни синаб кўриш.

Дизайн фикрлаш, нима бўлиши кераклиги билан чекланиб қолмасдан, нима бўлиши мумкинлигини ижодий излашга қаратилади. Ўқитувчилар дизайн фикрлаш орқали ўқув муҳитига ўқувчиларни ўқиши ва ижодини қўллаб-қувватлаши мумкин. Таълим олувчилар ўзларига савол беришлари мумкин: "Қандай қилиб биз одамларни асл муҳитида кузатиб, уларнинг эҳтиёжларини акс эттира оламиз?" ва "Қандай қилиб биз уларнинг муаммоларини бошқалардан фарқли равишда ҳал қилишимиз мумкин?"

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг дидактик таъминотини такомиллаштиришда [71; 20-21-6.]:

- ўқитувчилар гурухларини рағбатлантириш;
- иқтисодий билим, тадбиркорлик асослари ва тарбия фанларига хос контекстга мос келадиган тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш усулларини топиш;
- такрорлаш ва жамоаларда ўрганиш имкониятига эга бўлишлари талаб этилади.



#### Бизнес тадқиқ ўтказиш **усуллари мажмуи**

Ишбилармонлик саволларини тўғри қўйиш ва уларга жавоб бериш **методикаси**

Тадбиркорликка йўналтирувчи саволлар бериш ёрдамида **ўқитиш методи**

Бизнес мунозара ва тортишувларда ютиш **усули**

### 2.3.7-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда эвристика

Таълимнинг бошлангич ва ўрта дарражаларида ташқи дунё билан ўзаро муносабатларнинг энг муҳим омиллари мактаб бошқарувининг қўллаб-

кувватланиши, ташкилотнинг қучлилиги ва аниқ мақсадлар, рафбатларни шакллантириш қобилияти, ўқувчилар билан узлуксиз дарслар, ўқитувчилар ўртасида педагогик мунозаралар учун имконият, ўзгариш жараёнини бошқариш, янги ўқитиш усулини шакллантириш учун зарур бўлган индивидуал мулоҳазалар мавжудлигидир [46].

Таълим соҳасида таълим олувчиларда тадбиркорлик қадриятларини шакллантириш учун фойдали бўлган воситалар, усуллар ва самарали хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда эвристик ёндашишни кенг оммалаштиришга олиб келади (2.3.6-расм).



### **2.3.8-расм. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда эвристик усуллар**


Бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларни илмга, хунарга бўлган интилишларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-кувватлаш, ўқув жараёнида ижодий фикрлашни рафбатлантириш, ўқувчиларда янги фикр ва қарашларни ишлаб чиқишига йўналтириш мақсадида хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда эвристик усулларни қўллаш ўқувчи-ёшларда қуидаги тадбиркорлик сифатларини шакллантиришни кафолатлади (2.3.7-расм):

- ✓ масъулиятни ўз бўйнига олиш ва ҳис этиш;
- ✓ тараққиёт билан баробар қадам ташлаш;

- ✓ кўпчилик дарди билан яшаш;
- ✓ ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамижодкорлик билан иш юритиш;
- ✓ мустақил фикр юрита олиш;
- ✓ мақсадни аниқ қўя олиш;
- ✓ ишбилармонлик, уддабуронлик, таваккалчилик, муваффақиятсизликка бардошлилик;
- ✓ самимий, вазмин, бағрикенг;
- ✓ ижодкор, бунёдкор, яратувчи;
- ✓ ўзини танқидий баҳолаш ва меҳрибон;
- ✓ вақтнинг қадрига етадиган хушмуомала инсон бўлиш.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишида эвристик усувларни қўлланилиши [132; 29-32-б.]:

- муаммони стандарт, формаллаштирилган усувлар билан ечиш мумкин бўлмаганда;
- муаммо структуралаштирилмаган, яъни адекват модел танлаш иложсизлигида;
- муаммонинг кўп хусусиятлари миқдорий эмас, сифатий бўлганида;
- муаммонинг ечимларини баҳолашда тажриба, субъектив қарашларни эътиборга олиниши тақозо этилганда.



### 2.3.9-расм. Фоялар ярмаркаси турлари

Ғоялар ярмаркаси – тадбиркорлик билан амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш [38]. Иштирокчилар ғоялар ярмаркаси вақтида мураккаб муаммони ҳал этишга ҳаракат қиласидар, уларни танқид қилишга йўл қўймай уни ҳал этишнинг кўпроқ шахсий ғояларини юзага келтириш имкониятларини баҳолайдилар (2.3.8-расм).

**Тўғри «ғоялар ярмаркаси »** - муаммо ечишда жамоа фикрини жамлаш шакли бўлиб, унинг мақсади тадбиркорлик билан фикрларни саралаш ва ажратишдир.

#### **Иштирокчилар учун қоидалар:**

- ❖ иштирокчилар стол атрофига юзма-юз ўтирадилар;
- ❖ тортишиш, танқид қилиш, фикрларни баҳолаш мумкин эмас;
- ❖ иштирокчилар учун фикр билдиришга ажратилган мухлат 2-3 дақиқа;
- ❖ ихтиёрий фикрлар билдирилиши мумкин, шу жумладан аҳмоқона фикрлар ҳам;
- ❖ фикрлар сони уларнинг сифатидан мухимроқ.

#### **Ўқитувчи ҳаракатлари:**

- ❖ мунозара жараёнини йўналтириб туриши зарур;
- ❖ ўртача жараён фаоллигини оширадиган саволлар ташлаб туриши керак;
- ❖ ноформал шароит ҳосил қилиш мақсадида реплика ва ҳазил ишлатиши зарур.

#### **Тавсиялар:**

- ❖ муаммонинг ечилишига ишониш керак;
- ❖ олдинга сурилган муаммони ечишга интилиш керак;
- ❖ барча иштирокчилар teng ҳуқуқли;
- ❖ гурӯҳ олдида конкрет масала эмас, балки умумий муаммо қўйилиши керак;
- ❖ ҳар бир фикрни қаршиликсиз кутиб олиш;
- ❖ фикрни ривожлантирувчи саволлар бериш мумкин;
- ❖ билдирилган фикрнинг оқибатлари ҳақида ўйламаслик керак.

### Чекланиш ва шартлар:

- ❖ иштирокчилар сони — 4-15;
- ❖ иштирокчиларнинг тадбиркорлик билим даражалари турлича бўлиши мақсадга мувофиқ;
- ❖ жамоада активлик ва темперамент мувозанатини сақлашга уриниш зарур;
- ❖ ишлаш давомийлиги — 15 дақиқадан 1 соатгача.

**Тескари «ғоялар ярмаркаси»** - тадбиркор жамоа билан ишлаш шаклининг бу технологияси янги фикрлар генерациясини эмас, балки мавжуд фикрлар танқидини амалга оширишга қаратилган.

### Иштирокчилар учун қоидалар

- ❖ ҳар бир фикр муҳокама ва танқид қилинади, баҳоланади;
- ❖ танқид вақтида мулоҳазалар равон, лўнда ва дўстона муносабатда билдирилиши керак;
- ❖ узоқ вақт талаб этадиган фикрлар муҳокамаси кейинга қолдирилади;
- ❖ иштирокчилар кўп марта мунозарада қатнашишлари мумкин, аммо айланана шаклида навбат билан чиқишини ташкил этиш самаралироқ.

- синфдаги барча ўқувчиларидан фойдаланиш имконияти;
- тадбир ёрдамида жамоани жисплашуви ва коорпоратив маданиятни ривожлантириш имконияти;
- турли хил креатив фикрларни олиш имконияти;
- иложсиз вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини топиш имконияти.

### Афзалликлари



- муаммо бўйича фақатгина умумий фикр ҳосил қилишга мўлжалланган бўлиб, мукаммал таҳлил кўзда тутилмайди;
- чуқур ҳисоб-қитоб талаб этувчи муаммолар ечимиға қўллаб бўлмайди;
- самараси ўқитувчининг ораторлик, психологик, тадбиркорлик ва ташкилотчилик маҳоратига боғлиқ;
- ҳар доим ҳам фикрлаш инерциясини бартараф этиш уddyаланилмайди;
- айrim ҳолларда жамоа аъзолари ўртасида хавфли рақобат вужудга келиши мумкин;
- айrim иқтидорли ўқувчилар психологик тўсиқлар туфайли ўз фикрларини билдириласлиги.

### Камчиликлари




## 2.3.10-расм. Фоялар ярмаркаси афзалликлари ва камчиликлари

### Тавсиялар

- ❖ ҳар бир иштирокчи чиқишига ажратилган вақт 5 дақиқа;
- ❖ тадбирни кунни биринчи яримида, хотиржам шароитда ўтказган маъкул.
- ❖ ҳар бир фикрни муҳокама ва танқид қилишда, баҳолашда тадбиркорлик мезонларига асосланиш керак:
  - ❖ дастлабки талабларга мос келиши;
  - ❖ фикрни амалга ошириш имконияти;
  - ❖ фикрни амалга ошириш ҳаражатлари.

Фоялар ярмаркаси усулининг афзалликлари ва камчиликлари 2.3.9-расмда акс этган.

**Тадбиркор инверсияси** усулига классик мисол — К.Циолковский томонидан ракетанинг қашф этилиши. У ракета эмас балки тўп яратишни олдига мақсад қилиб қўйган. Бунда тўп учиши, деворларни юпқа бўлиши ва тўп ўқлари ўрнига газлар чиқариши керак бўлган. Бу мақсад ижросининг методи, технологияси иккиёқламалик тамойилига, ижодий фикрлашнинг тўғри ва тескари жараёнларининг оптимал қўлланишига асосланган (2.3.10-расм).



Муаммо ечимини излагандан изланиш йўналиши қарама-қарши томонга, мантиқ ва анъанавий қарашларга зид томонга ўзgartириш кўп ҳолларда кутилмаган ноанъанавий ечимларга олиб келади

Аксарият ҳолларда мантиқ ва соғлом фикрга асосланган усууллар қўл келмаганида, ечимнинг қарама-қарши альтернативаси оптимал бўлади

## 2.3.11-расм. Тадбиркор инверсияси усули

### Иштирокчилар учун тавсиялар:

- ❖ эсда тутиш керак: тадбиркорлик инверсияси — масала ечимини анъанавий қарашларга, мантиққа тескари йўналишларда излаш деганидир;
- ❖ масалани ечишни уни қайта ифодалашдан бошлиш керак;
- ❖ ҳар бир фикрга қарама-қарши фикр билдиришга ҳаракат қилиш керак.

### Ўқитувчи учун тавсиялар:

- ❖ масала моҳиятини яхши ёритиш мақсадида гуруҳ аъзоларини муаммони янги сўз ва тушунчалар ёрдамида қайта-қайтадан ифодалашга унダメоқ;
- ❖ асл масала билан бир қаторда унга тескари масалаларни олдинга сурмоқ, таҳлил ва синтез диалектикасига эришмоқ;
- ❖ гуруҳ иштирокчиларига муаммони ечиш давомида бир-бирига зид жараёнларни қўллашга ундаш керак.

- Иштирокчиларнинг ўзаро мулоқоти, фикр алмашинуви танқидга асосланади.
- Кўпи билан 20 нафар иштирокчи
- Жараёнда тўғри вакт тақсимоти
- Ўқитувчи маҳорати
- Стенограмма таҳлили

Бизнес  
мунозара



- Респондентлар фикрини ёзма равишда аниклаш усули
- Анкета саволлар уч хил: респондент ҳакида маълумотлар, асосий муаммо саволлари, қўшимча маълумотлар ( манбалар ... )

Сўровнома  
үтказиш



- Очиқ саволлар (ихтиёрий фикр)
- Ёпик саволлар (ҳа, йўқ)
- Жавоб вариантлари бор саволлар (аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз...)

Саволлар  
қўйилиши



### 2.3.12-расм. Маркетинг қобилият усули

Маркетинг қобилият усули - сухбат шаклидаги оғзаки сўров (2.3.11-расм). Тайёргарлик жараёнида тадбиркор экспертига саволлар ишлаб чиқади.

Аҳамиятли жиҳати: жавоблар тезкор равищда чуқур таҳлилга асосланмаган ҳолда берилади. Маркетинг мавзуси аввалдан эълон қилинади, аммо саволлар аниқлаштирилмайди. Маркетинг қобилият усулининг ижобий ва салбий жиҳатлари 2.3.12-расмда ёритилган.

#### Ижобий жиҳатлар

- олинган жавобларга қараб муаммони ёритиш мақсадида саволлар аниқлаштирилади

#### Салбий жиҳатлар

- жавоб таҳлилига вақт озлиги, тадбиркор фикрининг жавобларга таъсири

#### Бизнес маҳорат

- муаммони жуда яхши тушуниши керак, саволларни аниқ ва равон ифодалаши керак, эркин ва ёқимли муҳит яратса олиши керак, эшита билиши керак

### 2.3.13-расм. Маркетинг қобилият

#### Эркин бизнес ассоциацияси усули:

- ❖ фикрлар генерацияси даврида янги ассоциациялар қўлланилиши ижодий жараён самарасини ошишига ва янги ноординар фикрлар пайдо бўлишига олиб келади;
- ❖ бизнес ассоциацияларни шакллантириш жараёнида ечилаётган муаммо элементлари ва муаммони ечимиға жалб этилган ўқувчиларнинг аввалги билимлари орасида боғланишлар аниқланади;
- ❖ ушбу усул ва уни амалга ошириш технологияси инсон мияси ва унинг фаолияти хусусиятлари янги ассоциатив боғланишлар, янги фикрлар туғдиради;
- ❖ гуруҳ аъзолари таклиф этган сўз ёки тушунча янги ассоциатив боғланишлар асоси бўлиб хизмат қиласи.

**Эркин бизнес ассоциацияси** - тасодифан эшитилган сўз, куй, назар тушган расм, кузатилган ҳодиса бизнесдаги муаммога янгича қарашга ва унинг ечимини аниқлашга туртки бўлади.

Мисол. Бир журнал редакторига журнал таннархини тушириш масаласи долзарб бўлиб қолди. Редактор кўп ўйлаб масаланинг иқтисодий ечимини топишга уринди. Унинг қўлига тасодифан орфографик луғат тушиб қолди ва диққатини «қофоз» сўзи жалб этди. У ўзига қуйидаги саволни берди: «Харидор ёки обуначи арzonроқ қофоз эканлигига эътибор берармикан?» Ўз диққатини «газета» сўзида тўхтатиб, нашриётчи ўйланиб қолди: «Лоқал журналнинг битта номерини газета қофозида чоп этиб кўрсакмикан?» Луғатдаги «картон» сўзи қуйидаги саволни туғдирди: «Балки муқовасини ҳам арzonроқ картондан қилиш мумкинди?» ва шу темпда давом этади. Нашриётчи қофоз ва қалам олиб, луғатдан бир қанча сўзларни ёза бошлади. Бу сўзлар унга ҳаракат дастурини ишлаб чиқишига ёрдам берди.

#### **Иштирокчилар учун тавсиялар:**

- ❖ хаёлга келган ассоциацияни барчасини сўз билан ёки ҳаракат билан изхор этиш керак;
- ❖ ҳамкорларда ҳосил бўлган барча ассоциацияларни қайд этиш;
- ❖ жараён якунида уларни тизимлаш ва классификациялаш зарур;
- ❖ фикрларга танқидий ёндашиб, таҳлил асосида энг яхшиларини ажратиб олиш.

#### **Ўқитувчи учун тавсиялар:**

- ❖ масалани (муаммони) ечишга шошмаслик, уни қайта ифодаламоқ, унга ўзга томондан қарашга уринмоқ керак;
- ❖ турли хил сўз ва тушунчалар таклиф этиб, улар орқали муаммони ечимиға йўналтирувчи эркин ассоциациялар чақиртиришга уриниш керак;
- ❖ бизнес ассоциациялар асосида янги фикрлар шакллантиришнинг дастлабки босқичларида танқид ман этилади;
- ❖ бизнес ассоциациялар шакллантирувчи сўз, тушунча, тасвирлар алмашиниши тез амалга оширилиши керак.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиша эвристик усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларда қуидаги тадбиркорлик компетенциялари шаклланади [17; 10-18-б.]:

- ✓ компетентлик (тадбиркорлик билимлари кўлами кенгаяди);
- ✓ креативлик (уддабуронлик билан ижодий масалаларни ечиш маҳорати шаклланади);
- ✓ экспертизага муносабати (салбий, пассив, вақт танқислиги каби тадбиркорлик муносабатлар шаклланади);
- ✓ конформизм (салмоқли ишбилармонлик фикрларга мойиллиги ортади);
- ✓ фикрлаш конструктивлиги (тадбиркорликни амалда тадбиқ этиш имконияти яратилади);
- ✓ колективизм (тадбиркорликка хос жамоада тутиш этикаси, мунозара этикаси шаклланади);
- ✓ ўзига танқидий муносабат (ўзининг компетентлик даражасини объектив баҳолаш, бошқаларнинг фикрини эътиборга олиш каби тадбиркорлик кўникмалари мустаҳкамланади).

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш механизmlари, ўқувчиларнинг қиймат яратишнинг ноанъанавий жараёнида тадбиркорлик компетенциясини шакллантирувчи эвристик усулларини ишлаб чиқиши ўқувчиларда тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш самарадорлигини оширади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида тадбиркорликка оид амалий кўникмаларни қиймат яратишга асосланган механизmlарни қўллаш орқали шакллантириш долзарб ҳисобланади. Ўқувчиларга жамият учун қиймат яратишни ўрганишига имкон берилиши таълим сифати ва самарадорлигини оширади.

## **2.4-§. Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишига доир тажриба-синов ишлари мазмуни**

Мамлакатимизда таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга ошириш ижтимоий барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитиши минтақада кичик бизнеснинг ривожланишини таъминлайди [59; 88-91-б.], бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишга, минтақанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга олиб келади. Тадбиркорлик фаолияти деганда эҳтиёжларни қондириш ва фойда олишга қаратилган фаол, мустақил фаолият тушунилиши керак.

Мактаб таълимида тадбиркорликнинг вазифаси, ўқувчига қўйилган мақсадга эришиш қобилиятида ноёб яхлитлик сифатида қаралганда, шахсий потенциални очиш ва уни ўзгартиришдир [75; 145-148-б.]. Аммо бу ёндашиш меҳнат фаолияти моҳиятининг тушунчасини тубдан ўзгартиради. Зеро, тадбиркор ҳеч ким томонидан тайинланган функцияларни оддий бажарувчиси эмас. Тадбиркор қиймат яратувчи ғояларини амалга оширишга ҳаракат қиласи ҳамда ситуациян чегараларини аниқлай олиши ва ушбу чегаралардан чиқиб кетиш хавфини мустақил равища ўз зиммасига олиши керак. Бу шуни англатадики, у ўз ҳаракатларининг мумкин бўлган оқибатларини баҳолаши ва ўз позициясини ишончли ҳимоя қилиши керак. Унинг ҳаракат қилиш қобилиятининг негизида экспериментаторнинг позицияси, ўзига хос вазиятда унга энг мақбул кўринадиган иш шаклларини синаб кўришга интилади. Шунинг учун “тадбиркор” индивидуал хусусиятга эга бўлиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу ўз навбатида, ўзига бўлган ишончга асосланади - пайдо бўлган ноаниқликни ижодий ёндашиш сифатида қабул қилиш қобилияти; сухбатлашиш, ўз позициясини ҳимоя қилиш қобилияти; бошқаларнинг фикрларини хурмат қилиш ва келишувга эришиш қобилияти; объектив

воқеликни баҳолаш қобилияти ҳамда оптимал шароитларда мавжуд ечимларни топиш имконини беради.

Ушбу фазилатлар мактаб таълимининг дастлабки босқичларидан татбиқ этилиши ўрта мактаб ўқувчиларининг тўғри касб танлашида ҳамда ҳаёти давомида шахс сифатида ривожланишига ёрдам беради.

Ю.И. Панов бизнес ўқув машғулотларини ташкил этиш орқали мактаб ўқувчиларининг (10-синф) тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилиган "ўқувчи-ёшлар тадбиркорлик мактаби" [126; 30-33-б.] лойиҳасини амалга оширишни таклиф этган ҳамда умумтальим муассасаларида тадбиркорлик таълими инфратузилмасини яратиш учун пилот платформа сифатида фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаган. Дастур учта блокдан иборат бўлиб, улар параллел равишда ўрганилади: тадбиркорлик асослари; тадбиркорликдаги асосий ваколатлар; бизнес лойиҳалар амалиёти.

Турли тадбиркорлик таълимига оид тадқиқотлар қуидагича ташкил этилганлигини кузатишимииз мумкин [129]:

- "Тадбиркорлик асослари" блокида ўқувчиларга тадбиркорлик фаолияти нима эканлиги ва тадбиркор ким эканлиги ҳақида умумий тасаввур беради. Блок бизнес ва менежмент тарихини ўрганади; бизнес, давлат, худуд ҳокимияти ўртасидаги боғлиқлик аниқланади.

- "Тадбиркорликдаги асосий ваколатлар" блокида инглиз тили, математика, менежмент ва тадбиркорликни режалаштириш, алоқа психологияси ва тадбиркорлик этикаси, ўзини ўзи бошқариш, тадбиркорликнинг ҳукуқий жиҳатлари, маркетинг, реклама ва PR каби фанларга боғлаб ўқитилади.

- Амалий блокида ўқувчилар ҳақиқий корхонанинг намунаси сифатида виртуал товарлар, хизматлар ва пуллардан фойдаланган ҳолда, касбий мажбуриятларни бажаришнинг энг самарали усулларини қўллаш имконини берувчи "хавфсиз" шароитда тажриба ўтказадилар. Ушбу ўқув жараёнининг асосий принципи ўқувчиларни кўпроқ мустақил ишлашга ундашdir.

Тадбиркорликка йўналтирилган таълимнинг ривожланиши тўртта асосий кўрсаткичлар бўйича баҳоланиши мумкин: ташкилий бирлик, психологик (интеллектуал, ҳиссий, ихтиёрий) бирлик, барчанинг биргаликдаги фаолиятга тайёрлиги, ушбу фаолият йўналиши.

Умумтаълим фанлари ўқитувчиларнинг тадбиркорлик таълимида ижодий фаолиятини ташкил этиш усули - бу уларнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган жамоавий фаолиятнинг алоҳида омили бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади:

- когнитив жараёнларни фаоллаштиришга олиб келадиган ҳаракатлар;
- ҳаракатлар ва жараёнларни тақсимлаш;
- тегишли ҳаракатлар усулларини танлаш;
- ҳаракатлар усуллари билан алмашиш (фаолиятнинг ялпи маҳсулотини олиш учун турли хил усулларни яратиш зарурати туфайли - муаммони ҳал қилиш);
- ўзаро тушуниш (ўқувчиларни жамоа фаолиятига жалб қилиш характерига қараб);
- иштирокчининг ўз ҳаракатларига муносабатини акс эттириш;
- мулоқот жараёнида пайдо бўлган фикрлар;
- ўқувчи ўзини эркин ҳис қиласидиган гурухлар;
- ҳамкорлик, ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликда ижод қилиши.

---

## Шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширишдаги маънавий-ахлоқий етуклиги

---

Компетентлилик, ижтимоий-иктисодий билимларни эгалланганлик, меҳнат фаолиятига тайёрланганлик, коммуникатив қўникмалар – инсонларни тушуниш, улар билан мулоқот ва ҳамкорлик, ижодкорлик – ишга ижодий муносабат, олдиндан кўра билиш, янгиликни ҳис этиш, қарор қабул қилиш қўникмаси – ахборотни таҳлил этиш ва қайта ишлаш жараёни

---

Ўз-ўзини назорат қилиш – ўз фаолиятини назорат қилиш даражаси. Назорат ижтимоий муҳитнинг объектив шартлари ва талабларига мувофиқ равищда ўзининг сифатлари ва эҳтиёжларини ўзгартиришга йўналтирилган. Бу эса мустақилликни уч жиҳат билан боғлиқлиқда комплекс ўрганишга имкон беради, аксиологик муносабат, фаолиятга тайёрлик, ўз-ўзини назорат қилиш

---

Интеллектуал мезонлар – ўзида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий асослари ва категорияларини акс эттирувчи ижтимоий-иктисодий билимларни эгаллаганлик даражаси. Мазкур мезон ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятига илмий жиҳатдан тайёрлигини баҳолаш, иқтисоднинг умумий қонунлари ва тамойиллари, тадбиркорлик фаолиятига доир ҳуқуқий нормаларни қўллай олиш қўникмасини аниқлаб беради

---

Жараёнга доир мезонлар – тадбиркорлик фаолиятига муваффақиятли йўналганлик ва иштирок этишга ёрдам берувчи қўникмалар мажмуидир

---

### **2.4.1-расм. Ўқувчилардаги мустақилликни ташхис этиш методикаси компонентлари (С. Гриншпун назарияси)**

Мактаб битиравчиларининг касбий тайёргарлигини, меҳнат бозори талабларига мослашувчанлигини таъминлашда ўқув жараёнида меҳнатга бўлган тадбиркорлик муносабатларини шакллантириш керак, бу эса муваффақиятга эришиш учун мотивацияни, муаммоларни ҳал қилишда ҳаракатчанликни, ижодкорликни, мулоқот қобилияtlарини, масъулиятни ўз зиммасига олишни, шахслараро муносабатларни, қўникмаларни, этика, қонунларни билишни талаб этади. Ушбу талаб С. Гриншпун назариясида ҳам акс этган (3.1.1-расм).

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда ижодий ёндашувни амалга ошириш ижтимоий-иктисодий шароитларда трансформацион фаолиятни ижодий олиб борадиган бўлажак тадбиркорларни шакллантиришни ўз ичига олади.

Хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишни баҳолаш қўйидаги даражаларга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим:

-билим (паст) – тадбиркорлик, тадбиркор имконияти, тадбиркорлик режаларни тузиш усуллари, мижозларга хизмат кўрсатишни билиш, ишлаб чиқариш жараёнлари, музокаралар юритишни билиш, бизнесни бошқариш, бозор, рақобатчилар, тадбиркорлик соҳасининг хуқуқий асослари, кўмаклашиш ва молиялаш манбалари ҳақида тушунчаларга эга, тадбиркорлик фаолиятининг зарурлигини англайди, ижодий фаолият билан шуғулланмайди, ишни оқилона ташкил этишда қийинчиликни ҳис этади, белгиланган вақт оралиғида топшириқни бажаришнинг уддасидан чиқмайди;

- кўникма (ўрта) – ўқувчилар маркетинг, молиявий бошқарув, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, режалаштириш, раҳбарлик (коучинг: ходимларни бошқаришнинг замонавий хили) каби тадбиркорликка оид билимларини таниш вазиятларда қўллай оладилар, тадбиркорлик фаолиятининг зарурлигини англайди, маслаҳатчи ёрдамида ўз фаолиятини режалаштиради ва ташкил этади;

- малака (яхши) – етакчилик, имкониятлар доирасида ҳаракат қилиш, ахборотни якка тартибда қидириб топиш, шартномаларни бажариш қобилияти, муаммоларни ҳал этиш, мунтазам режалаштириш, таваккал қилиш қобилияти каби тадбиркорликка оид амалий билим ва кўникмаларни таниш ва нотаниш вазиятларда қўллай оладилар, тадбиркорлик фаолиятининг зарурат эканлигини яхши англайди, ташкилотчилик фаолияти тез-тез намоён бўлади, ишларни режалаштиришда иштирок этади, тадбиркорлик фаолияти натижаларини таҳлил эта олади, ижодий кўникмаларни талаб этадиган шароитда ишлаш тажрибасига эга, ўзининг амалий фаолиятида бевосита билимларни қўллай олади.

Умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг касбий ривожлантиришдаги дидактик таъминоти [120; 28-34-б.] қўйидагича белгиланади, масалан:

- ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга оид амалий усуллардан ҳамкорликдаги фаолиятга тайёргарлик, тадбиркорлик сифатларини қарор топиши, мустақил тадбиркорлик фаолиятини олиб боришига тайёргарлигининг барқарорлигини хисобга олиш асосида такомиллаштириш;
- ўқув жараёнига тадбиркорлик, ташаббускорлик, ижодкорлик каби фазилатларни шакллантирадиган ва қарорлар қабул қилишда мустақилликни намоён этишни талаб қиласидиган фаол таълимнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш;
- таълим тадбиркорлигининг янги шаклларини ривожлантириш;
- ҳақиқий тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларида ўқувчиларнинг иштирокига имкон бериш;
- ўқув жараёнини ахборотлаштириш.

Замонавий бизнесда муваффақият кўп одамларнинг келишилган ҳаракатлари билан белгиланади ҳамда ўқувчиларни жамоада ишлашга ўргатиш, колектив фаолиятни ташкил этишни турли шаклларини назарда тутади. Коллектив ҳаракатлар ва якуний натижалар самарадорлигининг зарурий шарти аниқ бошқарувдир.

Тадбиркорликка оид таълимда хорижий тилларни тадбиркорликка йўналтириб ўқитишининг амалий компоненти тадбиркорликка доир мантиқий, креатив ва танқидий фикрлашга ўргатишга доир вазиятли-таҳлилий интерфаол топширикларни оптимал қўллашга йўналтирилган “эффективлик концепцияси” таълим механизмини ишлаб чиқишининг энг муҳим белгилари [86; 46-49-б.]:

- ҳар бир гуруҳ аъзоларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қиласидиган фаолиятнинг мақсадини ягона ва муҳим деб билиш;
- фаолият иштирокчилари ўртасида функциялар ва мажбуриятларни тақсимлаш;

-ишларни бажаришда ўзаро жавобгарлик ва боғлиқлик муносабатларини ўрнатиш;

